мавжуд булган унсур ўқининг 1.30-банд курсатмалари буйича аниқланадиган узайиши ва унинг эгрилиги.

1.33. Таянжда бурилиши қарши қотирилган унсурнинг узунлиги буйича бетон бир текис қизиганда ҳамда ҳалқа, квадрат ва тўғри бурчак тарзидаги, 5-ир қил кесимга эга булган берк ромларда кесим баландлиги буйича бетоннинг нотекис қизишдан пайдо булувчи эгүвчи моментни қуйидаги ифода буйича аниқланади

$$M_t = (\frac{1}{r})_B B, \quad (44)$$

сопишда бетоннинг қиришиши ва силжувчанлигидан пайдо булувчи эгүвчи момент эса

$$M_{cr} = (\frac{1}{r})_{cr} B, \quad (45)$$

бу ерда $(\frac{1}{r})_t$ - унсур ўқининг қисқа муд-

датли ёқи узок давом эгүвчи қизишдан вужудга келүвчи 1.27 ва 1.30 бандлар курсатмалари буйича аниқланадиган ҳароратга онд эгрилиги;

$(\frac{1}{r})_{cr}$ - унсур ўқининг сопишда

бетоннинг қиришиш ва силжувчанлигидан пайдо булувчи (26)-ифода буйича аниқланадиган эгрилиги. $(\frac{1}{r})_{cr}$ эгриликини

қуйидаги ифода буйича аниқлаш рухсат этилади:

$$(\frac{1}{r})_{cr} = (\frac{1}{r})_{cr} + (\frac{1}{r})_{cr} \quad (46)$$

бунда $(\frac{1}{r})_{cr}$ - унсур ўқининг сопишда

бетоннинг қиришишдан пайдо булувчи (31) ифода буйича аниқланадиган эгрилиги.

$(\frac{1}{r})_c$ - унсур укининг совишда бетоннинг силжувчанлигидан пайдо булувчи эгрилиги (47)-ифода буйича «манфий» ишора билан аниқланади

$$(\frac{1}{r})_c = - \frac{0,8(M_1 - M_1')}{B}; \quad (47)$$

бу ерда M_1 ва M_1' - мос ҳолда қисқа муддатли ва узоқ давом этувчи қизиш учун ҳарорат моментлари, ҳароратга оид эгриликни қизиш давомийлигидан қатъий назар $a_{ст}$ нинг қийматини 14-жадвал буйича ҳароратнинг 10°C/соат ва ундан кўпроқ кутарилиши учун қабул қилиб, (44) ифода буйича аниқланадилар;

B - кесимнинг, 4.17 ва 4.18 бандларнинг курсатмалари буйича аниқланадиган биқрилиги; (44) ифодада қисқа муддатли ва узоқ давом этувчи қизиш учун, (45) ва (47) ифодаларда эса - қизиш давомийлигидан қатъий назар 10°C/соат ва ундан ортиқ тезлик билан қисқа муддатли қизиш учун ҳисобланади.

**КОНСТРУКЦИЯ УНСУРЛАРИ
КЕСИМЛАРИДАГИ ҲАРОРАТЛАРНИ
АНИҚЛАШ**

1.34. Қарор топган иссиқлик оқими учун ҳароратларнинг тақсимланиши ҳисобини КМК 2.01.04-97 га мувофиқ муҳофазаловчи конструкциялар ҳароратларини ҳисоблаш услубларидан фойдаланиб олиб бариш керак.

Вазмин конструкциялардаги ер сатҳидан пастда жойлашган конструкциялардаги, шунингдек бетоннинг кесим буйича ўзгарувчан намлигини ҳисобга олинган бекарор иссиқлик оқимидаги унсурлар кесимларининг мураккаб конфигурацияли муҳофазаловчи конструкцияларида ҳароратлар тақсимланишининг ҳисобий ҳарорат майдонлари ёки иссиқлик ўтказувчанлик назарияси услублари ёинки мос меъёрий ҳужжатлар буйича амалга оширилиши керак.

Ер остида жойлашган девор ичи яширин мурилар ва каналлар деворларидаги ҳароратларнинг тақсимланиш ҳисобини қуйидаги ҳоллар учун амалга ошириш руҳсат этилади:

қисқа муддатли қизиш учун кесимни деворнинг баландлиги буйича бетон ҳарорати тақсимланиб нотекис қизиган деб ва девор сиртки юзасининг иссиқлик қайтарувчанлиги коэффиценти α_e қийматини 6-жадвал буйича қабул қилиб;

узоқ давом этувчи қизиш учун кесимни девор баландлиги буйича бир текис қизиган деб олиб.

Темирбетон унсурлар кесимларида арматуранинг ҳароратини урнашган жойдаги бетон ҳароратига тенг қилиб олиш руҳсат этилади.

1.35. Ташқи ҳавода жойлашган конструкциялар учун, ташқи юзасининг иссиқлик қайтариш коэффиценти α_e , Вт/(м²°С)ни, шамол тезлигига боғлиқ ҳолда қуйидаги ифода буйича аниқланиши лозим

$$\alpha_e = 5,8 + 11,6\sqrt{v} \quad (48)$$

бу ерда v - шамол тезлиги, м/с.

Конструкцияларда ҳарорат таъсиридан пайдо буладиган энг катта зурриқлишларни ҳисоблашда, тақрорланиши 16% ва ундан катта бўлган шамолнинг январ ойи учун румбларга кўра уртача тезликларидан энг каттаси қабул қилинади, бетон ва арматуранинг энг катта қизиш ҳароратини ҳисоблашда эса тақрорланиши 16% ва ундан катта бўлган шамолнинг июл ойи учун румб-6-жадвал

Иссиқлик қайтариш коэффиценти (Вт/м ² °С)	Ташқи сирт ва ҳавонинг ҳарорати, °С										
	0	50	100	200	300	400	500	700	900	1100	1200
α_e	8	12	14	20	26	-	-	-	-	-	-
α_1	-	12	12	12	14	18	23	47	82	140	175

Илоҳ: α_e ва α_1 коэффицентлар ҳароратнинг аралаш қийматлари учун интерполяция йули билан аниқланади.

КМК 2.03.04-98 17-бет

ларга кура уртача тезликларидан энг камини. бироқ камиди 1 м/с қабул қилинади.

Бино ичида ёки очик ҳавода жойлашган, аммо шамолат таъсиридан ҳимояланган конструкциялар учун, ташқи сиртининг иссиқлик қайтариш коэффициентини α_e 6-жадвал бўйича қабул қилинади

Конструкциялар ички сиртларининг иссиқлик қайтариш коэффициентини α_i қондага кура иссиқлик алмашинувининг мураккаб ҳоллари учун иссиқлик ўзатишни ҳисоблаш усули аниқланиши лозим. Бетон ҳароратнинг унсур кесими бўйича тақсимлашни аниқлашда α_i коэффициентини ишлаб чиқариш биноси ҳавосининг ёки иссиқлик агрегати ишчи фазосининг ҳароратига боғлиқ ҳолда 6-жадвал бўйича қабул қилиш руҳсат этилади

1.36. Қуруқ ҳолатдаги бетоннинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентини λ унсур кесимидаги бетоннинг уртача ҳароратига боғлиқ ҳолда 7-жадвал бўйича қабул қилинади

роратига боғлиқ ҳолда 7-жадвал бўйича қабул қилиниши керак. Ўтга чидамли ва иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентини λ 8-жадвал бўйича қабул қилиниши керак.

Шамоллатиллайдиган ҳаво қатламнинг термик қаршлиғи, унинг қалинлиги $m^2 \cdot C/Bt$ ва йўналишидан қатъий назар қуйидагига тенг қилиб қабул қилиниши керак.

0,140 50°C да
0,095 100°C да
0,035 300°C да
0,013 500°C да

Оралик ҳароратлар учун ҳаво қатламнинг термик қаршлиғи интерполяция йўли билан қабул қилинади.

1.37. Ҳароратнинг конструкция қалинлиги бўйича тақсимланишини ҳисоблашда, иссиқлик берувчи ва иссиқликни қабул қилувчи куйида келтирилган тарздаги сиртлар майдонларининг ҳар қиллиги эътиборга олинмиши керак:

7-жадвал

9-жадвал бўйича бетон таркибларининг тартиб рақамлари	Унсур кесимидаги бетоннинг уртача ҳарорати қуйидагича °C бўлганда қуруқ ҳолатдаги одатдаги ва иссиқда бардошли бетонларнинг иссиқлик коэффициенти λ , Вт/(м·°C)					
	50	100	300	500	700	900
1	1,51	1,37	1,09	-	-	-
20	2,68	2,43	1,94	1,39	1,22	1,19
21	1,49	1,35	1,37	1,47	1,57	1,63
2,3,6,7,13	1,51	1,37	1,39	1,51	1,62	-
10,11	0,93	0,89	0,84	0,87	0,93	1,05
14,15,16,17,18	0,99	0,95	0,93	1,01	1,04	1,28
19	0,87	0,83	0,78	0,81	0,87	0,99
4,5,8,9	0,81	0,75	0,63	0,67	0,70	-
12	0,93	0,88	0,81	0,90	-	-
23	0,37	0,39	0,46	0,52	0,58	-
	0,43	0,45	0,52	0,58	0,64	-
29	0,44	0,46	0,52	0,58	0,64	0,70
	0,50	0,52	0,58	0,64	0,70	0,76
24	0,27	0,29	0,34	0,40	0,45	0,51
	0,38	0,41	0,45	0,50	0,55	0,59
30	0,31	0,34	0,37	0,43	0,49	-
	0,44	0,46	0,51	0,56	0,60	-
28,29	0,21	0,23	0,28	0,33	0,37	0,42
22,25,27,31,32,36	0,29	0,31	0,36	0,42	0,48	0,53
33	0,21	0,22	0,25	0,29	0,33	0,37
34,35,37	0,24	0,27	0,31	0,37	0,43	0,49

- Изоҳлар: 1. 23 ва 29 таркиблардаги бетонларнинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти таърифи: чизик устида ўртача зичлиги 1350, зичлик остида 1550; 24 ва 30 таркиблардаги бетонлар учун мос равишда 950 ва 1250 кг/м³ бўлган бетонлар учун келтирилган. Агар бетоннинг ўртача зичлиги кўрсатилган қийматлардан фарқ қилса, бунда ҳолда иссиқ ўтказувчанлик коэффициентини интерполяция қилиб қабул қилинади.
2. Меъерий ҳолда қотандан ёки атмосфера босими остида иссиқ ишлов берилмайдиган сунг табиий намликка эга бўлган, одатдаги ва иссиқда бардошли бетонларнинг иссиқ ўтказувчанлик коэффициентини λ унсур кесимида бетоннинг ўртача ҳарорати 100° C га ҳисобланганда ҳақвал бўйича берилганларни 30% га орттириб қабул қилиниши лозим.
3. Ҳароратнинг оралик қийматлари учун иссиқ ўтказувчанлик коэффициентини λ интерполяция қилиб қабул қилинади.



Материаллар	Курук ҳолатдаги уртача зичлиги, кг/м ³	Куллиниги рухсат этилган чегаравий ҳарорати, °С	Курук ҳолатдаги утга ва иссиқ ихоталовчи материалларнинг унсур кесимида материалнинг уртача ҳарорати °С куйидагича бўлгандаги иссиқ утказувчанлик коэффициенти λ , Вт/(м·°С)					
			50	100	300	500	700	900
1. Шамотдан қилинган утга чидамли буюмлар ГОСТ 390-83*	1900	-	0,63	0,77	0,88	1,01	1,14	1,27
2. Шамотидан қилиниш енгил вазили буюмлар ГОСТ 5040-78*	400	1150	0,13	0,14	0,17	0,20	0,23	0,27
3. Ушанинг ўзи	800	1270	0,23	0,24	0,29	0,34	0,38	0,43
4. Ушанинг ўзи	1000	1300	0,34	0,35	0,42	0,49	0,56	0,63
5. Ушанинг ўзи	1300	1400	0,49	0,56	0,58	0,65	0,73	0,81
6. Динасдан қилинган утга чидамли буюмлар ГОСТ 4157-79*	1900	-	1,60	1,62	1,70	1,78	1,85	1,93
7. Динасдан қилинган енгил вазили буюмлар ГОСТ 5040-78*	1200-1400	1550	0,57	0,58	0,64	0,70	0,75	0,81
8. Каолиддан қилинган буюмлар ГОСТ 20901-79	2000	-	1,79	1,80	1,86	1,90	1,95	2,01
9. Юқори глиноземдан қилинган буюмлар ГОСТ 24704-81*	2600	-	1,76	1,74	1,68	1,65	1,60	1,55
10. Утга чидамли магnezит буюмлар ГОСТ 4689-74*	2700	-	6,00	5,90	5,36	4,82	4,30	3,75
11. Утга ута чидамли периклазохромит буюмлар ГОСТ 10888-76*	2800	-	4,02	3,94	3,60	3,28	2,94	2,60
12. Утга ута чидамлик хромомагnezитли ГОСТ 5381-72*	2950	-	2,74	2,71	2,54	2,36	2,18	2,01
13. Одатдаги ой гишт ГОСТ 530-90	1700	-	0,56	0,59	0,70	0,81	-	-
14. Пенодиатомитли иссиқ ихоталовчи буюмлар ГОСТ 2694-88	350	900	0,09	0,10	0,13	0,15	0,18	-
15. Ушанинг ўзи	400	900	0,10	0,11	0,14	0,16	0,19	-
16. Диатомитли иссиқ ихоталовчи буюмлар ГОСТ 2694-88	500	900	0,12	0,13	0,19	0,23	0,28	-
17. Ушанинг ўзи	600	900	0,14	0,15	0,21	0,25	0,30	-
18. Металл турдан туқилма маъдан увадали буйралар ГОСТ 21880-86	75-100	600	0,05	0,06	0,11	0,15	-	-
19. Туқилма маъдан увадали буйралар ГОСТ 21880-86	125	600	0,05	0,06	0,11	0,16	-	-
20. Ушанинг ўзи	150	600	0,05	0,06	0,11	0,16	-	-
21. Синтетик боғловчи маъдан увадалардан қилинган иссиқ ихоталовчи тахталар ва буйралар ГОСТ 9573-82*	50-75	400	0,05	0,07	0,13	-	-	-
22. Ушанинг ўзи	125	400	0,05	0,07	0,11	-	-	-
23. Ушанинг ўзи	175	400	0,05	0,07	0,11	-	-	-
24. Кеолки таркибли увадалардан қилинган иссиқ ихоталовчи буйралар	150	1100	0,05	0,06	0,12	0,18	0,24	0,31
25. Ушанинг ўзи	300	1100	0,06	0,07	0,13	0,19	0,25	0,35
26. Шихали штапел толадан қилинган буюмлар ГОСТ 10499-85	170	450	0,06	0,07	0,14	-	-	-
27. Нам ихоталовчи мушакламловчи қопламаси бўлмаган перлит-фосфоргелли буюмлар	200	800	0,07	0,08	0,10	0,12	-	-
28. Ушанинг ўзи	250	800	0,08	0,09	0,11	0,14	-	-
29. Ушанинг ўзи	300	800	0,08	0,09	0,14	0,16	-	-
30. Перлитощаммент буюмлар	250	800	0,07	0,09	0,13	0,16	-	-
31. Ушанинг ўзи	300	800	0,08	0,10	0,14	0,17	-	-
32. Ушанинг ўзи	350	800	0,09	0,11	0,15	0,18	-	-

Материаллар	Қуруқ ҳолатдаги ўртача зичлиги, кг/м ³	Қўлланишнинг рухсат этилган чегаравий ҳарорати, °С	Қуруқ ҳолатдаги ўтга ва иссиқ ихоталовчи материалларнинг унсур кесимида материалнинг ўртача ҳарорати °С қуйидагича бўлгандаги иссиқ ўтказувчанлик коэффициенти λ, Вт/(м·°С)					
			50	100	300	500	700	900
33. Перлитокерамик буюмлар	250	875	0,08	0,09	0,12	0,16	0,19	-
34. Ушанинг ўзи	300	875	0,09	0,10	0,13	0,17	0,20	-
35. Ушанинг ўзи	350	875	0,10	0,11	0,14	0,18	0,21	-
36. Ушанинг ўзи	400	875	0,11	0,12	0,15	0,19	0,22	-
37. Охак-кремнеземли буюмлар ГОСТ 24748-81	200	600	0,07	0,08	0,10	0,12	-	-
38. Кремнезем тоғали асосидаги буюмлар	120	1200	0,06	0,07	0,10	0,14	0,17	0,21
39. Савелитли буюмлари	350	500	0,08	0,09	0,11	-	-	-
40. Ушанинг ўзи	400	500	0,09	0,10	0,12	-	-	-
41. Вулканитли буюмлар	300	600	0,08	0,09	0,11	0,13	-	-
42. Ушанинг ўзи	350	600	0,08	0,09	0,11	0,14	-	-
43. Ушанинг ўзи	400	600	0,09	0,10	0,12	0,14	-	-
44. Кўпик шиша	200	500	0,08	0,09	0,13	-	-	-
45. Асбест вермикулит тахталар	250	600	0,09	0,11	0,16	0,21	-	-
46. Ушанинг ўзи	300	600	0,10	0,11	0,16	0,21	-	-
47. Ушанинг ўзи	350	600	0,10	0,12	0,17	0,22	-	-
48. Муллитокремнезем ўтга чидамли тоғасимон иссиқ ихоталовчи буюмлар	350	1150	0,11	0,12	0,15	0,19	0,22	0,29
49. Қўйдирилган диатомит ушоғи	500 600	900 900	0,01 0,03	0,03 0,04	0,06 0,09	0,10 0,15	0,13 0,20	0,17 0,25
50. Қўпчиган вермикулит	100	1100	0,07	0,09	0,14	0,20	0,26	0,31
51. Ушанинг ўзи	150	1100	0,08	0,09	0,15	0,21	0,27	0,32
52. Ушанинг ўзи	200	1100	0,08	0,10	0,15	0,21	0,27	0,33
53. Асбозурит	600	900	0,17	0,18	0,21	0,24	-	-

54. Асбест қаттон ГОСТ 2850-80* 1000-1300 600 0,16 0,18 0,20 0,22 - -
 Изохлар: 1. Табiiй намликка эга бўлган ўтга чидамли (1-13 т.р) ва иссиқ ихоталовчи материалларнинг иссиқ ўтказувчанлик коэффициенти λ, унсур кесимидаги материалнинг ўртача қизиш ҳарорати 100 °С га чە бўлганда, жадвал бўйича берилганларнинг мос равишда 30 ва 10 % га орт тириб қабул қилинади.
 2. Ҳароратнинг оралик қийматлари учун иссиқ ўтказувчанлик коэффициенти λ, интерполяциялаб аниқланади.

айлана қуринишидаги агар деворнинг қалинлиги ташқи диаметрининг 0,1 идан катта бўлса;

квадрат ёки тўғри бурчак қуринишидаги, агар деворнинг қалинлиги катта томони узунлигининг 0,1 идан катта бўлса,

ихтиёрий қуринишидаги, агар иссиқлик берувчи ва иссиқлик қабул қилувчи сиртлар майдонлари орасидаги фарқ 10% идан катта бўлса.

1.38. Қовурғали конструкцияларда, агар бетон қовурғалар ва иссиқлик ихоталовчиларнинг ташқи сиртлари мос тушса, бетондаги ҳароратнинг ҳисоби қовурға кесими бўйича олиб борилиши керак. Агар бетон қовурға иссиқлик ихоталовчиларининг ташқи сиртларидан ташқарига чиқиб турган бўлса, бетон қовурғидаги ҳароратнинг ҳисоби ҳарорат майдонларини ҳисоблаш услублари

бўйича ёки меъёрий ҳужжатлар бўйича баҳарилиши керак.

1.39. Конструкция кесимларидаги бетоннинг эксплуатация мобайнида қизишдан вужудга келувчи ҳароратини ишчи фазонинг ёки ишлаб-чиқариш ҳавосининг лойиҳа бўйича берилган ҳисоби ҳароратидаги қарор топган иссиқлик оқимини иссиқлик техникасига сид қисоб билан аниқланиши керак.

Ташқи ҳавода жойлашган конструкциялар учун, бетон ва арматура қизишининг энг катта ҳарорати ташқи ҳавонинг ҚМҚ 2.01.01-96 бўйича, қурилмиш ҳудуди энг иссиқ ойидаги ташқи ҳавонинг ўртача максимал ҳарорати бўйича қабул қилинадиган ҳисобий ёзги ҳарорати бўйича аниқланади. Ҳисоблаб чиқарилган ҳароратлар бетонни ГОСТ 20910-90 ва арматурани 17-жадвал бўйича чегаравий рухсат этилган қўлланиш ҳароратидан

ортиб кетмаслиги керак.

1.40. Ҳарорат таъсири шароитида ишловчи статик ноаниқ конструкцияларнинг ҳисобида, иссиқлик техникасига оид ҳисоб 1.10-банд кўрсатмалари буйича аниқланадиган ишчи фазонинг ҳисобий ҳароратига энг катта зуриқиш туғдирувчи ҳароратга қура амалга оширилиши керак.

Ташқи ҳавода жойлашган конструкцияларда ҳарорат таъсиридан энг катта зуриқишни ҳисоблашда бетон ва арматура ҳароратини ташқи ҳавонинг, ҚМҚ 2.01.01-96 буйича ташқи ҳавонинг энг совуқ беш кунликдаги 0,92гача таъминланганлик билан олинувчи ҳарорати буйича қабул қилинадиган ҳисоби қишқи ҳароратига қура ҳисобланади.

2. БЕТОН ВА ТЕМИРБЕТОН КОНСТРУКЦИЯЛАР УЧУН МАТЕРИАЛЛАР

БЕТОН

2.1. Оширилган ва юқори ҳароратлар таъсири шароитида ишлаш учун мўлжалланган бетон ва темирбетон конструкциялар учун:

одатдаги бетон - Ўз РСТ 707-96 буйича ўртача зичлиги 2200 дан 2500 кг/м³ гача бўлган конструкциявий оғир бетон;

ГОСТ 20910 буйича зич тузилишдаги ўртача зичлиги 900 кг/м³ ва ундан катта бўлган иссиққа бардошли конструкциявий ва иссиқ ихоталовчи, таркиблари 9-жадвалда келтирилган бетонлар кўзда тутилиши лозим.

Ўртача зичлиги 1100 кг/м³ гача бўлган иссиққа бардошли бетонни, асосан юк кўтармайдиган муҳофазаловчи конструкциялар учун ва иссиқ ихоталовчи материаллар сифатида қаралиши лозим.

Ўртача зичлиги 1100 кг/м³ дан иссиққа бардошли бетонни юк кўтарувчи конструкциялар учун кўзда тутиш керак.

2.2. Оширилган ва юқори ҳароратлар таъсири шароитида ишловчи бетон ва темирбетон конструкцияларни лойihalашда, уларнинг вазифаси ва иш шароитига боғлиқ ҳолда, бетоннинг ичида асосийлари қуйидагилар бўлган сифат кўрсаткичлари белгиланиши керак.

а) сиқилишга мустаҳкамлиги буйича бетоннинг В синфи;

б) ўқи бўйлаб чузилишга мустаҳкамлиги буйича одатдаги бетоннинг В,

синфи (ушбу ҳоссаи бош аҳамиятта эга булган ҳолларда белгиланади ва ишлаб чиқаришда назорат қилиб борилади);

в) иссиққа бардошли бетоннинг руҳсат этилган қўлланиш ҳарорати буйича ГОСТ 20910-90 га мувофиқ синфи (лоийҳаларда барча қолларда кўрсатилиши керак);

г) иссиққа бардошли бетоннинг сув Т₁ ва ҳаво Т₂ иссиқлик алмашинувидаги термик бардошлилиги буйича маржаси (термик бардошлилик буйича талаблар қўйилувчи конструкциялар учун белгиланиши керак);

д) нем ўтказмаслик қобилияти W, буйича маржаси (нем ўтказувчанлигининг чеклаш буйича талаблар қўйиладиган конструкциялар учун белгиланиши керак);

е) совуққа бардошлилик буйича F маржаси (қурилиш даврида ёки иссиқлик агрегати тўхтаган чоғ 0°С дан паст бўлган ҳароратнинг аҳъенда бир буладиган таъсирга учраши мумкин бўлган конструкциялар белгиланиши керак);

ж) ўртача зичлиги буйича маржаси (конструкцияга оидларидан ташқари иссиқ ихоталаш талаблари қўйиладиган конструкциялар учун белгиланади ва уларни ясашда назорат қилиб борилади).

2.3. Оширилган ва юқори ҳароратнинг мунтазам таъсири шароитида ишлаш учун мўлжалланган бетон ва темирбетон конструкциялар учун қуйидаги бетонлар кўзда тутилади:

а) сиқилишга мустаҳкамлиги буйича синфлари:

одатдаги бетон (9-жадвал буйича №1 таркиб) - ҚМҚ 2.03.01-96 буйича В50 гача бўлган;

иссиққа бардошли бетон 9-жадвал буйича таркиблардаги:

№ 2, 3, 6, 7 - В3,5; В5; В7,5; В10; В12,5; В15; В20; В25; В30; В35; В40;

№ 10, 11, 21 - В3,5; В5; В7,5; В10; В12,5; В15; В20; В25; В30 ва В35;

№ 19, 20 - В2,5; В3,5; В5; В7,5; В10; В12,5; В15; В20; В25; В30;

№ 12, 13, 14, 15 - В2; В2,5; В5; В7,5; В10; В12,5; В15; В20;

№ 4, 5, 8, 9, 16, 17, 18, 23, 29 - В2; В2,5; В3,5; В5; В7,5; В10; В12,5; В15;

№ 24, 27, 30 - В2; В2,5; В3,5; В5; В7,5; В10;

№ 22, 24, 30, 32, 35, 36, 37, - В1; В1,5; В2; В2,5; В3,5; В5;

№ 25, 26, 31, 32, 34 - В1; В1,5; В2; В2,5; В3,5;

№ 26, 33 - В1; В1,5; В2; В2,5 булган;

б) ўқи бўйлаб чўзилишга мустаҳкамлиги бўйича синфлари: (№1 таркибли, 9-жадвал бўйича) - В₁0,0, В₁1,2; В₁1,6, В₂; В₂2,4 булган одатдаги бетон;

в) сув иссиқлик алмашинувларидаги термик бардошлилик бўйича - Т₁5; Т₁10; Т₁15 ва Т₁25 (9-жадвал бўйича №2-21, 23 ва 29 таркиблардаги);

ҳаво иссиқлик алмашинувларидаги - Т₂10; Т₂15; Т₂20 ва Т₂25 маркаларга мансуб (9-жадвал бўйича № 22,24,27,30,32,35 - 37 таркиблардаги) иссиққа бардошли бетон.

Бошқа таркиблардаги бетон учун, сув ва ҳаво иссиқлик алмашинувларидаги термик бардошлилиги бўйича марка меъёрланмайди.

г) нам утказмаслик қобилияти бўйича маркалари - W2, W4, W6 ва W8 булган одатдаги бетон (№1 таркиб) ва иссиққа бардошли бетон (9-жадвал бўйича №2-21, 23 ва 29 таркиблар).

Бошқа таркиблардаги бетон учун, нам утказмаслик қобилияти бўйича марка меъёрланмайди.

д) совуққа бардошлилиги бўйича маркалари F15, F25, F35, F50 ва F75 одатдаги бетон (№1 таркиб) ва иссиққа бардошли бетон (9-жадвал бўйича №2-21, 23 ва 29 таркиблар).

Бошқа таркиблардаги бетон учун совуққа бардошлилик бўйича марка меъёрланмайди.

- е) ўртача зичлиги бўйича маркалари:
- № 4 и 8 - D1800;
- №23 и 29 - D1700, D1600, D1500;
- №24, 30 - D1400, D1300, D1200;
- №22, 24, 26, 28, - D1100;
- 30, 32, 33 ва 36
- №25, 27, 32, 34, - D1000;
- 35 ва 37
- №31-ва 32 - D900

булган (9-жадвал бўйича таркиблардаги) иссиққа бардошли бетон

Бошқа таркиблардаги бетон учун ўртача зичлиги бўйича марка меъёрланмайди.

Бетоннинг, унинг синфи ва марказига жавоб берадиган ёши лойиҳалов мобайнида, лойиҳавий юқлар билан ёмалдаги юклантиришнинг ва конструкция кизишининг ҳақиқий муддатларидан, уларни бунёд қилиш усулларида ва қотиш шароитларидан келиб чиқиб белгиланади. Ушбу маълумотлар мав-

жуд бўлмаган тақдирда бетоннинг синфи ва маркази 28 кунли ёшида белгиланади.

Одатдаги оғир бетондан бажарилган йиғма конструкцияларида бетоннинг тобланма мустаҳкамлиги қиймати, ГОСТ 13015.0-83 бўйича ва иссиққа бардошли бетондан бажарилганлариники ГОСТ 20910-90 бўйича белгиланади.

2.4 Оширилган ва юқори ҳароратлар таъсири шароитида ишлаш учун мулжалланган бетон ва темирбетон конструкциялар учун бетоннинг ҳоссалари қуйидаги талабларни ҳисобга олган ҳолда кузда тўтилиши керак:

а) оширилган ҳарорат таъсири шароитида ишловчи, одатдаги бетондан қилинган темирбетон конструкциялар учун бетоннинг сиқилишга ва ўқи бўйлаб чўзилишга мустаҳкамлигига кўра синфи КМК 2.03.01-96 бўйича қабул қилиниши лозим.

Юқори ҳароратлар таъсири шароитида ишловчи, иссиққа бардошли бетондан қилинган темирбетон конструкция учун бетоннинг сиқилишга мустаҳкамлигига кўра синфи қуйидагича қабул қилиниши тавсия этилади:

- юқ кўтарувчи йиғма унсурлар ҳамда В7,5 қуйма конструкциялар учун қуйида келтирилган ҳароратларда °С (1,3-бандга қаралсин):
- 500 гача қамда В5
- 500 дан юқори қамда В7,5
- зарба ва ёмирувчан таъсирларда, ҳамда қуйида келтирилган ҳароратларда °С:
- 500 гача қамда В7,5
- 500 дан юқори қамда В10

Оширилган ва юқори ҳароратлар таъсири шароитида ишловчи, одатдаги ва иссиққа бардошли бетонлардан қилинган олиндан зуриқтирилган темирбетон конструкциялар учун бетоннинг сиқилишга мустаҳкамлиги бўйича синфи зуриқтирилган арматуранинг тури ва сиқига, унинг диаметрига ва зулфин қурилмаларининг мавжудлигига боғлиқ ҳолда КМК 2.03.01-96 бўйича қабул қилиниши керак;

б) юқори ҳароратлар таъсири шароитида ишловчи бетон ва темирбетон конструкциялар учун:

иссиққа бардошли бетонлар (9-жадвал бўйича №2-21, 23 ва 29-таркиблар) сув иссиқлик алмашинувларидаги термик бардошлилиги бўйича қуйидагидан кам бўлмаган марказга эга бўлиши керак.

- доимий қизишда Т₁5
- циклик қизишда Т₁15
- ҳаво ёки сув билан қосқин сови-тиш билан цикли қизишда Т₁25

22 -бет КМҚ 2.03.04-98

иссиққа бардошли бетонлар (9-жадвал буйича №22, 24, 27, 30, 32, 35-37-таркиблар) ҳаво иссиқлик алмашувларида термик бардошлилиги буйича, куйидагидан кам бўлмаган маркага эга бўлиши керак:

дочмий кизишда T_{210}

циклик кизишда T_{220}

в) одатдаги (№1 таркибли) ва иссиққа бардошли (9-жадвал буйича №2-21, 23 ва 29 таркиблар) бетондан қилинган темирбетон конструкциялар учун, нам ўтказмаслик қобилияти буйича маркази куйидагилар учун, курсатилгандан кам бўлмаслиги керак:

ер остида, ер ости сувлари сатҳидан пастда жойлашган пойдеворлар, девор ичи яширин мўрилари бошка иншоотлар учун W4

ер устида жойлашган ва атмосфера егингарчиликлари га рўпара бўладиган иссиқлик агрегатлари ва бошка иншоотлар учун W8

г) қурилиш даврида ёки иссиқлик агрегати тўхтаганида нам ҳаво ҳолатдаги шароитда 0°C дан паст бўлган ҳаёнда бир бўладиган ҳарорат таъсирига учраши мумкин бўлган оширилган ва юқори ҳароратлар таъсири шароитида ишловчи бетон ва темирбетон конструкциялар учун одатдаги (№1 таркибли) ва иссиққа бардошли бетон (9-жадвал буйича №2, 3, 6, 7, 13, 20 ва 21 таркиблар) совуққа бардошлилик буйича КМҚ 2.03.01-96 га мувофиқ маркага эга бўлиши керак.

д) тажавузкор муҳит ва юқори ҳарорат таъсири шароитида эксплуатация қилиш учун мўлжалланган, иссиққа бардошли бетондан қилинган конструкциялар ва буюмларга талаблар муҳитнинг тажавузкорлик даражаси ва эксплуатация шароитига боғлиқ ҳолда КМҚ 2.03.11-96 талабларига мувофиқ белгилалиши керак.

Юқори ҳарорат ва тажавузкор муҳит таъсири шароитида ишлаш учун мўлжалланган конструкциялар ва буюмларда, маъмур тажавузкор муҳитта энг бардошли бўлган иссиққа бардошли бетон қўлланиши керак.

нейтрал ва ишқорли газли муҳитда - портландцементдан ва тошқолли портландцементдан қилинган иссиққа бардошли бетон;

газли нардон муҳитда ва ишқорли металл эритмаларида - суяқ шишадан қилинган иссиққа бардошли бетон;

е) оширилган ҳароратлар ва галмагал алмашиб номланишлар таъсири шароитида ишловчи конструкциялар учун сиқилишга мустаҳкамлиги буйича синфи В7,5 дан кам бўлмаган ва нам ўтказмаслик қобилияти буйича маркази 120°C гача қизиганда камида W6, 120°C дан ортиқ қизиганда камида W8 бўлган одатдаги бетон қўллашни тавсия қилинади.

2.5. Хусусий оғирлиги ва юқлар таъсиридан бетондаги сиқилиш, кучланишлари купу билан 0,1 МПа ни ташкил қиладиган конструкциялар унсурлари, шунингдек зўриқишлар фақат ҳарорат таъсиридан вужудга келадиган конструкциялар унсурларининг кесими баландлиги буйича бетон нотекис қизиганда бетонни қўллашнинг энг четки руҳсат этилган ҳарорати ГОСТ 20910-90 буйича белгиланади.

ГОСТ 20910-90 да курсатилганларидан ортиқ ҳароратлар таъсир этганда ҳимоя катлавлари (футеровкалар барпо қилиш кўзда тутилиши керак).

БЕТОННИНГ ҲИСОБИЙ ҲОССАЛАРИ

2.6. Бетоннинг биринчи ва иккинчи гуруҳ чегаравий ҳолатлар учун ҳисобий қаршиликлари R_b ва $R_{b,ser}$ унинг сиқилишга мустаҳкамлиги буйича синфига боғлиқ ҳолда КМҚ 2.03.01-96 буйича (9-жадвал қаралсин) куйидаги таркиблар учун:

№1-3, 6, 7, 10 - 15, 19-21 - оғир бетон учундек;

№4, 5, 8, 9, 16-18, 23, 24, 29 ва 30 - ғоваксимон майда тулдирувчилик энгил бетон учундек қабул қилинади.

Одатдаги бетоннинг биринчи гуруҳ чегаравий ҳолатлар учун ҳисобий қаршилиги $R_{b,ser}$ (9-жадвал буйича №1 таркибли) бетоннинг ўқ бўйлаб чўзилишга мустаҳкамлиги буйича синфига боғлиқ ҳолда КМҚ 2.03.01-96 буйича қабул қилинади.

Ҳисобий қаршиликлар тегишли ҳолларда КМҚ 2.03.01-96 буйича иш шароити коэффициентига кўпайтирилиши лозим.

Оширилган ва юқори ҳароратлар таъсири шароитида ишлаш учун мўлжалланган конструкциялар унсурларини ҳисоблашда, бетоннинг R_b ва $R_{b,ser}$ ҳисобий қаршиликлари эса бетоннинг чўзилишдаги иш шароити коэффициентини γ_{bt} га кўпайтирилиши керак. Бетоннинг сиқилишдаги γ_{bt} ва чўзилишдаги γ_{bt} иш шароити коэффициентларини бетоннинг

Бетон тархиви тартиб рақами	Бетоннинг, энг четки русват этилган қўлланиши зарорати бўйича синфи	Бюламли материаллар			Бетоннинг сингишига мувожама-лани бўйича энг катта синфи	Табиий нам-ликдаги бе-тоннинг урта-ча zichлиги, кг/м ³
		боғловчи	қотирувчи	майин туйилган қўшимча		
1		Портландцемент, тез қотувчи портландцемент, тошқолли портландцемент	Қўлланилмайди	Одатдаги бетон Қўлланилмайди	В80	2200-2500
2		Ушанинг ўзи	Ушанинг ўзи	Иссиққа бардошли бетон Ушанинг ўзи	В40	2400
3		*	*	*	В40	2400
4		*	*	Учирма қурумдан	В15	1800
5		*	*	Қўйма тошқол, учир-ма қурум, гилғишт синиқларидан	В15	1900
6		*	*	Шамотли учирма қу-рум, гилғишт синиқ-лардан, уюлган ва до-налаштирилган домна тошқолларидан	В15	2000
7		*	*	Ушанинг ўзи	В40	2400
8		*	*	Уюлган ва донлаш-тирилган домна тош-қол, гилғишт сини-қли, учирма қурумдан	В15	1800
9		*	*	Гилғишт синиқлардан	В15	1900
10		Портландцемент, тез қотувчи портландцемент	*	Ушанинг ўзи, ва учирма қурумдан	В35	2000
11		Портландцемент, тез қотувчи портландцемент	Қўлланилмайди	Шамотли	В35	2000
12		Суюқ шикла	Уз-ўзидан сочилувчи тошқоллар	Ферромарганец, си-ликмарганец тошқоллардан	В20	2100

Бетон таркиби тартиб рақами	Бетоннинг, энг четки руҳсат этилган қўлланиши ҳарорати бўйича синфи	Бирламчи материаллар				Бетоннинг сиқилишга мустақкамлиги бўйича энг катта синфи	Табиий намлиқдаги бетоннинг ўртача зичлиги, кг/м ³
		боғловчи	қотирувчи	майин туйилган қўшимча	тўлдирувчилар		
13	8	Ушанинг ўзи	Кремний фторли натрий, нефелин шлами, ўз-ўзидан сочилувчи тошқоллар	Шамотли	Андезитли, базальтли диабазли	B20	2500
14	10	"	Кремнефторли натрий	Шамотли, ишлатилган ИМ-2201 катализловчидан	Парча-парча шамотли ва буюмлар синигидан	B20	2100
15	11	"	Нефелин шлами, ўз-ўзидан сочилувчи тошқоллар	Ушанинг ўзи	Парча-парча шамотли ёки буюмлар синигили ва қорборундли қоришмадан	B20	2300
16	13	"	Кремнефторли натрий	Магнетитли	Парча-парча шамотли ва буюмлар синигидан	B15	2100
17	12	"	Нефелин шлами, ўз-ўзидан сочилувчи тошқоллар	Шамотли, ишлатилган ИМ-2201 катализловчидан	Ушанинг ўзи	B15	2100
18	13	"	Ушанинг ўзи	Магнетитли	"	B15	2100
19	13	Глиноземли цемент	Қўлланилмайди	Қўлланилмайди	"	B30	2100
20	12	Ушанинг ўзи	Ушанинг ўзи	Ушанинг ўзи	Ушанинг ўзи	B30	2800
21	14	"	Қўлланилмайди	Қўлланилмайди	Парча-парча муллит қорундли ва буюмлар синигидан	B35	2800
22	6	Портланцемент	Қўлланилмайди	Шамотли, гилғишт синиги, учирма қурумдан, домна уюлган ва донлаштирилган ташқол ишлатилган ИМ-2201 катализловчидан	Қўпчиган перлит	B5	1100
23	11	Ушанинг ўзи	Ушанинг ўзи	Шамотли, ишлатилган ИМ-2201 катализловчидан	Уйма зичлиги 550-650 кг/м ³ бўлган керамзитли	B15	1500-1700
23	11	Ушанинг ўзи	Ушанинг ўзи	Шамотли, ишлатилган ИМ-2201 катализловчидан	Уйма зичлиги 550-850 кг/м ³ бўлган керамзитли	B15	1500-1700

Бетон таркиби тартиб рақами	Бетоннинг, энг четки руҳсат этилган қўлланиши ҳарорати бўйича синфи	Бирламчи материаллар				Бетоннинг сиқилишга мустақкамлиги бўйича энг катта синфи	Табиий намлиқдаги бетоннинг ўртача зичлиги, кг/м ³
		боғловчи	қотирувчи	майин туйилган қўшимча	тўлдирувчилар		
24	10	"	"	Ушанинг ўзи	Уйма зичлиги 550-650 кг/м ³ бўлган керамзитли	B5-B10	1100-1400
25	10	"	"	Шамотли, гилғишт синигидан, учирма қурумдан керамзитли, аглопоритли, вулкон қулидан	Керамзит ва қўпчиган вермикулит қоришмасидан	B3,5	1000
26	10	"	"	Ушанинг ўзи	Қўпчиган вермикулит	B2,5	1100
27	8	Суюқ шиша	Кремнефторли натрий	Шамотли, ишлатилган ИМ-2201 катализловчидан	Керамзит ва қўпчиган вермикулит қоришмасидан	B10	1000
28	8	Ушанинг ўзи	Ушанинг ўзи	Ушанинг ўзи	Қўпчиган вермикулит	B3,5	1100
29	8	"	"	"	Уйма зичлиги 550-850 кг/м ³ бўлган керамзитли	B15	1500-1700
30	8	Суюқ шиша	Кремнефторли натрий	Шамотли, ишлатилган ИМ-2201 катализловчидан	Уйма зичлиги 350-500 кг/м ³ бўлган керамзитли	B5-B10	1100-1400
31	8	Ушанинг ўзи	Ушанинг ўзи	Ушанинг ўзи	Қурум шағали ва қўпчиган перлитдан	B3,5	900
32	8	"	"	"	Қўпчиган перлит	B3,5-B5	900-1100
33	11	Глиноземли цемент	Қўлланилмайди	Қўлланилмайди	Қўпчиган вермикулит	B2,5	1100
34	11	Ушанинг ўзи	Ушанинг ўзи	Ушанинг ўзи	Керамзит ва қўпчиган вермикулит қоришмасидан	B3,5	1000
35	11	"	"	"	Керамзитли	B5	1000
36	11	"	"	"	Қурум шағали ва қўпчиган перлитдан	B5	1100
37	11	"	"	"	Қўпчиган перлитдан	B5	1000

Изоҳ. Қотирувчиси кремнийфторли натрийдан, энг четки руҳсат этилган қўлланиш ҳарорати бўйича синфлари 8-14 бўлган бетонлар учун авваломбор 80°C гача қиздириб олмасдан буғ ва сув таъсир этишига йўл қўйилмайди; энг четки руҳсат этилган қўлланиш ҳарорати бўйича 6-синфга мансуб бетонларни буғ таъсирга тутиш мумкин эмас.

Бетон таркибларининг 9-жадвал бўйича тартиб рақами	Коэф-фициент	Куйидагича қизишга ҳисоблов	Бетон ҳарорати °С куйидагича бўлганда, бетоннинг сиқилиш γ_{bt} ва чўзилиш γ_{tt} даги иш шароити коэф-фициентлари, β_D коэффициенти									
			50	70	100	200	300	500	700	900	1000	1100
16,18	γ_{bt}	Қисқа муддатли	1,00	1,00	1,00	1,00	1,00	0,95	0,85	0,65	0,50	0,35
		Узоқ давом этувчи	1,00	0,90	0,90	0,80	0,50	0,25	0,07	0,02	0,01	-
	γ_{tt}	Қисқа муддатли	1,00	0,95	0,95	0,80	0,70	0,55	0,45	0,35	-	-
		Узоқ давом этувчи	1,00	0,80	0,80	0,70	0,40	0,12	0,02	-	-	-
	β_D	Қисқа муддатли ва узоқ давом этувчи	1,00	1,10	1,10	1,10	1,10	1,00	0,70	0,35	0,27	0,20
19,20,21	γ_{bt}	Қисқа муддатли	1,00	0,90	0,80	0,70	0,55	0,45	0,35	0,30	0,25	0,20
		Узоқ давом этувчи	1,00	0,90	0,80	0,70	0,50	0,25	0,10	0,05	0,02	-
	γ_{tt}	Қисқа муддатли	1,00	0,65	0,55	0,50	0,45	0,35	0,25	0,10	-	-
		Узоқ давом этувчи	1,00	0,65	0,55	0,50	0,30	0,12	0,02	-	-	-
	β_D	Қисқа муддатли ва узоқ давом этувчи	1,00	0,90	0,85	0,70	0,55	0,40	0,33	0,30	0,27	0,20

- Изоҳлар:**
1. Ҳизмат муддати 5 йилдан ошмайдиган юк кўтарувчи конструкцияларни узоқ давом этувчи қизишга ҳисоблашда γ_{bt} катталигидан ошмасини керак.
 2. Эксплуатация мобайнида циклик қизишга дучор бўладиган конструкциялар учун γ_{bt} ва β_D коэффицентларни 15% га γ_{tt} - коэффицентини - 20% га камайтириш лозим.
 3. Ҳароратнинг оралик қийматлари учун γ_{bt} γ_{tt} β_D коэффицентлар интерполяциялаб аниқланади.

2.9. Бетоннинг ҳароратга оид чизикли деформацияси коэффицентини a_{bt} - ҳарорат ва ҳарорат кўтарилиши тезлигига боғлиқ ҳолда 14-жадвал бўйича қабул қилиниши лозим. a_{bt} коэффицентини бетонни қисқа муддатли ва узоқ давом этувчи қизишидаги ҳарорат таъсиридан киришишини ҳисобга олдган ҳолда аниқланган ҳароратнинг қисқа муддатли ва узоқ давом этувчи қизишдан сўнг такрорий таъсиридаги бетоннинг ҳароратга оид кенгайишини ҳисоблаш зарурати туғилса, a_{cs} ҳароратга оид чизикли деформацияси коэффицентига, бетон ҳароратга оид киришиши коэффицентнинг мос равишда қисқа муддатли ёки узоқ давом этувчи қизиш учун мутлақ қийматини қўйиш лозим.

Бетоннинг ҳароратга оид киришиши коэффицентини a_{cs} 15-жадвал бўйича қабул қилинади.

Бетоннинг ҳароратга оид киришиши коэффицентини:

қисқа муддатли қизишда ҳароратнинг 10°С/соат ва ундан кўпроқ кўтарилиши учун;

узоқ давом этувчи қизишда - эксплуатация мобайнидаги ҳарорат таъсирига боғлиқ ҳолда қабул қилинган.

2.10. Табиий намликдаги бетоннинг ўртача зичлиги бўйича маркази 9-жадвал бўйича қабул қилинади. Қуруқ ҳолатдаги бетоннинг унинг 100°С дан ортиқ қизигандаги ўртача зичлигини 150 кг/см³ га камайтирилади.

Темирбетоннинг ($w \leq 3\%$ булганидаги) ўртача зичлигини бетоннинг мос ҳолатдаги ўртача зичлигидан 100 кг/м³ га каттароқ қилиб қабул қилинади.

2.11. Темирбетон конструкцияларни чидамликка, ҳамда ёриқлар ҳосил бўлиши бўйича 50°С дан юқори ҳарорат таъсири шароитида кўпқарра такрорланадиган юкка ҳисоблашда одатдаги бетоннинг ҳисобий қаршлиги, 16-жадвал бўйича қабул қилинадиган унинг иш шароити коэффицентини γ_{bt} га қўлайтирилиши керак.

Иссиққа бардошли бетонни юқори ҳарорат ва кўпқарра такрорланувчи юк таъсирига дучор бўладиган темирбетон конструкцияларда қўлланилганида, бетоннинг ҳисобий қаршлиги маҳсус тарзда асослаб беринган бўлиши керак.

Бетон таркибларнинг 9-жадвал буйича таркиб рақамлар	Сикилишга мустаҳкамлиги буйича бетон синфи қуйидагича бўлганда сикилиш ва чуқуриликдаги бошланғич эластиклик модуллари $E_b \cdot 10^3$ га тенг қилиб қабул қилинади																
	B1	B1,5	B2	B2,5	B3,5	B5	B7,5	B10	B12,5	B15	B20	B25	B30	B35	B40	B45	B50
1-3,6,7,13,20,21 табиий ҳолда қотган	-	-	-	85 86,5	95 96,9	130 133	160 163	190 194	210 214	230 235	270 275	300 306	325 331	345 352	36 367	37,5 382	39 398
1-3,6,7,13,20,21 атмосфера босимида иссиқ ишлон берилган йуликтирилган	-	-	-	8,0 8,2	8,5 8,6,7	11,5 11,7	14,5 14,8	16,0 16,8	19,0 19,4	20,5 20,9	24,0 24,5	27,0 27,5	29,0 29,6	31,0 31,6	32,5 33,2	34,0 34,7	35,0 35,7
31,32*	3,7 3,8	4,0 4,08	4,1 4,40	4,2 4,55	5,0 5,10	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
25,27,32,34,35,37**	4,2 4,3,0	4,5 4,5,9	4,8 4,9,0	5,0 5,1,0	5,5 5,6,1	6,3 6,4,2	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
22,24,26,28,30,32,33,36***	4,5 4,40	4,6 4,7,0	4,9 4,5,7	5,5 5,6,1	6,1 6,2,3	6,9 7,0,7	7,9 8,1,1	8,7 8,8,7	-	-	-	-	-	-	-	-	-
24, 30****	-	-	5,2 5,4	6,3 6,6,3	7,1 7,3,4	8,2 8,3,8	9,4 9,5,4	10,3 10,0,3	-	-	-	-	-	-	-	-	-
23, 29	-	-	7,3 7,5	8,0 8,1,6	9,0 9,1,8	10,6 10,2	11,5 11,7	12,5 12,7	13,0 13,5	14,0 14,5	-	-	-	-	-	-	-
4,8,9	-	-	8,0 8,1,5	8,6 8,8	9,6 10,0	11,2 11,4	13,0 13,3	14,0 14,3	15,0 15,0	16,7 16,8	-	-	-	-	-	-	-
5,10-12,14-18	-	-	10,0 10,1	10,5 10,7	11,5 11,8	13,0 13,3	14,5 14,8	16,0 16,3	17,0 17,5	18,0 18,4	19,5 19,9	21,0 21,4	22,0 22,4	23,0 23,5	-	-	-

Изоҳ. Чизик устида МПа даги қийматлар, чизик остида эса - кг/см².
*D900; **D1000; ***D1100; ****D1200-1400.

Бетон таркибларнинг 9-жадвал буйича таркиб рақамлари	Қуйидагича қизишга ҳисоблов	Одатдаги ва иссиққа бардошли бетонларнинг бетон ҳарорати °С қуйидагича бўлгандаги эластиклик коэффициенти \bar{v}									
		50	70	100	200	300	500	700	900	1000	
1-3	Қисқа муддатли	0,85	0,65	0,70	0,70	0,65	-	-	-	-	
	Узоқ давом этувчи	0,30	0,25	0,25	0,25	0,20	-	-	-	-	
6,10,11,24	Қисқа муддатли	0,85	0,80	0,80	0,75	0,70	0,53	0,32	0,15	0,05	
	Узоқ давом этувчи	0,28	0,24	0,24	0,22	0,21	0,07	0,03	0,01	-	
4,5,7,8,9,23	Қисқа муддатли	0,80	0,70	0,80	0,70	0,65	0,50	-	-	-	
	Узоқ давом этувчи	0,26	0,22	0,22	0,21	0,20	0,06	-	-	-	
12-18,29,30	Қисқа муддатли	0,70	0,70	0,70	0,65	0,50	0,35	0,30	0,10	-	
	Узоқ давом этувчи	0,24	0,20	0,20	0,20	0,06	0,02	-	-	-	
19-21	Қисқа муддатли	0,85	0,80	0,75	0,60	0,55	0,45	0,35	0,20	0,15	
	Узоқ давом этувчи	0,35	0,30	0,27	0,25	0,23	0,03	0,02	0,01	-	

- Изоҳлар: 1. Жадвалда \bar{v} нинг қийматлари, ҳароратнинг 10°С/соат ва ундан кўпроқ кўтарилишидаги қисқа муддатли қизиш учун берилган. Ҳароратнинг 10°С/соат дан камроқ кўтарилишида $\bar{v} = a - 0,075(a - b)(10 - v)$, қийматга эга бўлади, бунда a ва b - \bar{v} коэффициентининг қисқа муддатли ва узоқ давом этувчи қизишидаги қийматлари; v - Ҳароратнинг кўтарилиш тезлиги, °С/соат.
2. Ҳароратнинг оралиқ қийматлари учун коэффициент \bar{v} интерполяциялаб аниқланади.
3. 50-200°С даги узоқ давом этувчи қизишида ва ҳавонинг ўртача нисбий намлиги 40% га-ча бўлганда, коэффициент $\bar{v} = 0,2$ қийматга эгадир.
4. №1-3 таркиблардаги бетоннинг узоқ давом этувчи қизиш ва нимланишда \bar{v} коэффициент қийматини 0,5 га кўпайтирилади.
5. Икки ўқли қуланиш ҳолатида \bar{v} коэффициент қийматини 1,2 га кўпайтирилади, лекин у 0,85 дан ошмаслиги керак.
6. Унсурда $\mu \geq 0,7\%$ бўлган сикилган арматура бўлганда, \bar{v} коэффициент қиймати (1-0,11 μ) га кўпайтирилади, лекин қамиди 0,5 қабул қилинади.

Бетон таркибларнинг 9-жадвал буйича таркиб ракамлари	Куйидагича қизишга ҳисоблов	Бетон ҳарорати °C қуйидагича бўлгандаги ν коэффициенти							
		50	70	100	200	300	500	700	900
1-3	Қисқа муддатли	0,45	0,40	0,45	0,45	0,35	-	-	-
	Узоқ давом этувчи	0,15	0,15	0,15	0,15	0,10	-	-	-
4-11,23,24	Қисқа муддатли	0,45	0,43	0,43	0,40	0,37	0,28	0,20	0,10
	Узоқ давом этувчи	0,15	0,15	0,15	0,10	0,09	0,07	0,05	0,04
12-18,29,30	Қисқа муддатли	0,45	0,43	0,38	0,35	0,28	0,20	0,17	0,07
	Узоқ давом этувчи	0,13	0,13	0,13	0,10	0,03	0,02	-	-
19-21	Қисқа муддатли	0,45	0,43	0,40	0,33	0,30	0,25	0,2	0,15
	Узоқ давом этувчи	0,15	0,15	0,13	0,13	0,10	0,03	0,03	0,02

Изоҳлар: 1. Ҳадавалда ν нинг қийматлари, ҳароратнинг 10-С/соат ва ундан кўпроқ кўтарилишидаги қисқа муддатли қизиш учун берилган. Ҳароратнинг 10°C/соат дан кам кўтарилишида $\nu = a - 0,075(a - b)(10 - \nu)$, қийматга эга бўлади, бунда a ва b - ν коэффициентининг қисқа муддатли ва узоқ давом этувчи қизишидаги қийматлари; ν - Ҳароратнинг кўтарилиш тезлиги, °C/соат.

2. Ҳароратнинг оралик қийматлари учун коэффициент ν интерполяциялаб аниқланади.

3. 50-200 °C даги узоқ давом этувчи қизишида ва ҳавонинг уртача нисбий намлиги 40% гача бўлганда коэффициент $\nu = 0$ қийматга эгадир.

4. №1-3 таркиблардаги бетоннинг узоқ давом этувчи қизиш ва намланишда ν коэффициент қийматини 0,5 га қўпайтирилади.

Бетон таркибларнинг 9-жадвал буйича таркиб раками	Куйидагича қизишга ҳисоблов	Бетоннинг ҳарорат °C, қуйидагича бўлгандаги ҳароратта оид чизикли деформацияси коэффициенти $\alpha_t, 10^{-6} \text{ град}^{-1}$							
		50	100	200	300	500	700	900	1100
1	Қисқа муддатли	10,0	10,0	9,5	9,0	-	-	-	-
	Узоқ давом этувчи	4,0	4,5	7,2	7,5	-	-	-	-
2, 6	Қисқа муддатли	9,0	9,0	8,0	7,0	6,0	5,0	-	-
	Узоқ давом этувчи	3,0	3,5	5,7	5,5	-	-	-	-
3, 7	Қисқа муддатли	8,5	8,5	7,5	7,0	5,5	4,5	4,0	3,0
	Узоқ давом этувчи	2,5	3,0	5,2	5,5	-	-	-	-
8	Қисқа муддатли	9,0	9,0	8,0	7,0	6,0	6,0	-	-
	Узоқ давом этувчи	2,0	3,0	5,4	5,3	5,0	5,0	-	-
4, 5, 9-11, 23, 24, 25	Қисқа муддатли	8,5	8,5	7,5	7,0	5,5	4,5	4,0	3,0
	Узоқ давом этувчи	1,5	2,5	4,9	5,3	4,5	3,5	3,1	2,0
12-18, 27, 29, 30	Қисқа муддатли	5,0	5,0	5,5	6,0	7,0	6,5	6,0	5,0
	Узоқ давом этувчи	-4,0	0	3,0	4,3	6,0	5,8	5,4	4,5
19-21	Қисқа муддатли	8,0	8,0	7,0	6,5	5,5	4,5	4,0	3,5
	Узоқ давом этувчи	3,0	4,5	5,3	5,2	4,7	3,6	3,1	2,6
22	Қисқа муддатли	4,0	4,0	3,5	3,0	2,0	1,0	-	-
	Узоқ давом этувчи	-3,0	0	1,5	1,5	1,0	0	-	-
26	Қисқа муддатли	4,3	4,3	3,8	3,3	3,2	2,4	1,6	0,8
	Узоқ давом этувчи	-0,7	0,3	1,8	2,0	2,2	1,4	0,6	-0,7
28	Қисқа муддатли	5,0	5,0	5,5	5,0	7,0	6,8	6,6	-
	Узоқ давом этувчи	-4,0	0	3,1	3,3	6,0	6,1	5,9	-
31,32	Қисқа муддатли	1,2	1,2	1,3	1,0	-1,2	0,7	0,8	-
	Узоқ давом этувчи	-7,8	-3,8	-1,1	0,7	-0,2	0	0,1	-
3	Қисқа муддатли	-3,0	-3,0	-3,5	-4,5	-3,0	-2,6	-3,5	-4,7
	Узоқ давом этувчи	-8,0	-6,5	-5,3	-5,8	-4,5	-3,7	-4,5	-5,7
34,35	Қисқа муддатли	5,5	5,5	4,5	3,3	3,2	2,4	1,6	0,8
	Узоқ давом этувчи	0,5	2,5	1,5	2,0	2,6	1,5	0,8	-0,2

Бетон таркибларнинг 9-жадвал буйича таркиб рақами	Куйидагича кизишга ҳисоблов	Бетоннинг ҳарорат °С, куйидагича бўлгандаги ҳароратга оид чизикли деформацияси коэффиценти $\alpha_{bt} \cdot 10^{-6} \text{ град}^{-1}$							
		50	100	200	300	500	700	900	1100
36, 37	Киска муддатли	2,0	2,0	1,5	1,0	0,6	0,4	-3,7	-8,6
	Узоқ давом этувчи	-3,0	-1,5	-0,8	-0,7	-1,2	-0,5	-4,6	-9,5

- Изохлар: 1. α_{bt} коэффицентнинг қиймати киска муддатли кизиш учун, ҳароратнинг кўтарилиши $10^\circ\text{C}/\text{соат}$ дан кам бўлганда α_{bt} нинг қийматидан $0,075(a - b)(10 - v)$, ни айриш лозим, бу ерда a ва b - α_{bt} коэффицентнинг киска муддатли ва узоқ давом этувчи кизишдаги қийматлари; v - ҳароратнинг кўтарилиш тезлиги, $^\circ\text{C}/\text{соат}$
2. Ҳароратнинг оралик қийматлари учун коэффицент α_{bt} , интерполяциялаб аниқланади.
3. №1 таркибдаги карбонат чаккик тошли (доломит, оқтош) бетонлар учун α_{bt} коэффицент $1 \cdot 10^{-6} \text{ град}^{-1}$ га ортирилади.

15-жадвал

Бетон таркибларнинг 9-жадвал буйича таркиб рақами	Куйидагича кизишга ҳисоблов	Бетоннинг ҳарорат °С, куйидагича бўлгандаги ҳароратга оид кизишдаги коэффиценти $\alpha_{cs} \cdot 10^{-6} \text{ град}^{-1}$							
		50	100	200	300	500	700	900	1100
1-4	Киска муддатли	0,0	0,0	0,7	1,0	-	-	-	-
	Узоқ давом этувчи	6,0	5,5	3,0	2,5	-	-	-	-
5-11, 23, 24, 25	Киска муддатли	0,0	0,5	0,9	1,1	1,5	1,4	2,3	3,2
	Узоқ давом этувчи	7,0	6,5	3,5	2,8	2,5	2,4	3,2	4,2
12-18, 27, 29, 30	Киска муддатли	2,0	3,0	2,5	2,0	1,3	1,0	0,8	0,7
	Узоқ давом этувчи	11,0	8,0	5,0	3,7	2,3	1,7	1,4	1,2
19-21	Киска муддатли	0,5	2,0	1,5	1,3	1,4	1,6	2,1	2,3
	Узоқ давом этувчи	5,5	5,5	3,2	2,6	2,2	2,5	3,0	3,2
22	Киска муддатли	4,0	5,0	4,7	4,2	3,7	3,6	-	-
	Узоқ давом этувчи	11,0	9,0	6,7	5,7	4,7	4,6	-	-
26	Киска муддатли	6,6	7,6	7,1	7,1	5,5	4,3	5,0	6,0
	Узоқ давом этувчи	11,6	11,6	9,1	8,4	6,5	5,3	6,0	7,0
28	Киска муддатли	4,0	5,0	4,6	4,1	1,3	1,2	1,0	-
	Узоқ давом этувчи	13,0	10,0	7,0	5,8	2,3	1,9	1,7	-
31, 32	Киска муддатли	3,0	4,0	3,6	3,1	0,3	0,2	0,0	-
	Узоқ давом этувчи	12,0	9,0	6,0	4,8	1,3	0,9	0,7	-
33	Киска муддатли	10,5	12,0	11,5	11,3	10,7	9,9	10,4	10,7
	Узоқ давом этувчи	15,5	15,5	13,3	12,6	12,2	10,8	11,4	11,7
34, 35	Киска муддатли	6,3	7,8	7,3	7,1	5,5	4,3	5,0	5,2
	Узоқ давом этувчи	11,3	10,8	10,3	8,4	6,1	5,2	6,0	6,2
36, 37	Киска муддатли	1,7	3,2	3,0	4,8	5,0	5,1	9,3	14,3
	Узоқ давом этувчи	6,7	6,7	5,3	5,1	6,8	6,0	10,2	15,2

- Изох: 1. α_{cs} коэффицентнинг қиймати киска муддатли кизиш учун ҳароратнинг кўтарилиши $10^\circ\text{C}/\text{с}$ ва ундан кўпроқ бўлганда берилган. Киска муддатли кизиш учун ҳароратнинг кўтарилиши $10^\circ\text{C}/\text{с}$ дан кам бўлганда α_{cs} нинг қийматига $0,075(a - b)(10 - v)$, ни қўшиш лозим, бунда a ва b - α_{cs} коэффицентнинг киска муддатли ва узоқ давом этувчи кизишдаги қийматлари; v - ҳароратнинг кўтарилиш тезлиги, $^\circ\text{C}/\text{с}$
2. Ҳароратнинг оралик қийматлари учун α_{cs} коэффицент, интерполяция буйича аниқланади.
3. α_{cs} коэффицентнинг қиймати манфий ишора билан қабул қилинади.

16-жадвал

Бетоннинг ҳарорати, °С	Қуйидаги ҳолатда ишловчи одатдаги бетоннинг кўпқарра такроланувчи юк таъсиридаги иш шариоитлари коэффицентлари	
	намланишсиз	галма-гал намланишга ва қуришга
50	0,8	0,7
70	0,6	0,5
90	0,4	0,3
110	0,3	0,2

Изоҳ: Ҳароратнинг оралик қийматлари учун γ_{bt} нинг миқдори интерполяция бўйича аниқланади.

АРМАТУРА

2.12. Оширилган ва юқори ҳароратлар таъсири шароитида ишловчи темирбетон конструкцияларни арматуралаш учун, арматура ҚМҚ 2.03.01-96 бўйича қабул қилиниши керак.

Арматура 400 °С дан ортиқ кизишида иссиққа бардошли бетондан қилинган темирбетон конструкциялар учун стерженли арматура ва прокатни:

ГОСТ 4543-71* бўйича 30ХМ маркали легирланган пўлатдан,

ГОСТ 5632-72 ва ГОСТ 5949-75* лар бўйича 12Х13, 20Х13, 08Х17Т, 12Х18Н9Т, 20Х23Н18 ва 45Х14Н14В2М маркалардаги занга бардошли, иссиққа бардошли ва иссиққа мустаҳкам пўлатлардан кузда тутилиш тавсия этилади.

Темирбетон конструкцияларда арматура ва прокатнинг энг четки руҳсат этилган қўлланиш ҳарорати 17-жадвал бўйича қабул қилиниши лозим.

17-жадвал

Арматуранинг тури ва синфи, пўлат ва прокатнинг маркаси	Темирбетон конструкцияларда урнатилган арматура ва прокатнинг энг четки руҳсат этилган ҳарорати, °С	
	ҳисоблов бўйича	конструкцияга оид мулоҳазаларга кўра
Стерженли арматуранинг синфлари А-I и А-II	400	450
А-III, А _T -III, А-IIIв, А-IV, А _T -IV	450	500
А-V, А _T -V, А-VI, А _T -VI	450	-
зўриктирилмаган зўриктирилган	250	-
Симли арматуранинг синфлари: Вр-I	400	450
Вр-II, Вр-II, К-7, К-19	150	-
В-I	-	450
ВСт3кп2, ВСт3Гпс5, ВСт3сп5 ва ВСт3сп6 маркали пўлатлардан: прокат	400	450

17-жадвал давомий

Арматуранинг тури ва синфи, пўлат ва прокатнинг маркаси	Темирбетон конструкцияларда урнатилган арматура ва прокатнинг энг четки руҳсат этилган ҳарорати, °С	
	ҳисоблов бўйича	конструкцияга оид мулоҳазаларга кўра
30ХМ, 12Х13 и 20Х13	500	700
20Х23Н18	550	1000
12Х18Н9Т ва 45Х14Н14В2М ва 08Х17Т маркали пўлатлардан стерженли арматура ва прокат	600	800

Изоҳлар: 1. Циклик кизишда зўриктирилган арматуранинг энг четки руҳсат этилган қўлланиш ҳарорати жадвалда кўрсатилгандан 50°С га пастроқ қилиб қабул қилиниши керак.

2. Кўпқарра такроланадиган юк таъсирида энг четки руҳсат этилган қўлланиш ҳарорати зўриктирилган арматурада 100°С дан ва зўриктирилмаганида — 200°С дан ошмаслиги керак.

3. В-I ва Вр-I синфли симларни 250°С дан юқори кизишдаги ҳисобий қаршилигини ҚМҚ 2.03.01-96 бўйича А-I синфдаги арматура учундек олинishi лозим.

АРМАТУРАНИНГ ҲИСОБИЙ ҲОССАЛАРИ

2.13. Стерженли ва симли арматуралар асосий турларининг биринчи ва иккинчи гуруҳ чегаравий ҳолатлари учун ҳисобий қаршилиги арматурани тури ва синфига боғлиқ ҳолда ҚМҚ 2.03.01-96 бўйича қилинади.

Иссиққа бардошли пўлатлардан қилинган арматуранинг биринчи ва иккинчи гуруҳ чегаравий ҳолатлари учун мос мезъарий қаршилиқларни, чегаравий ҳолатлар гуруҳлари учун:

биринчи..... 1,3

иккинчи..... 1,0

қабул қилинадиган арматура бўйича ишончлилик коэффицентлари γ_s га бўлиш йўли билан аниқланган ҳисобий қаршилиги.

Арматуранинг ҳисобий қаршилиги таъши ҳолларда арматуранинг ҚМҚ 2.03.01-96 бўйича иш шароити коэффицентига кўпайтирилиши лозим.

Оширилган ва юқори ҳароратлар таъсири шароитида ишлаш учун муҳайёланган конструкциялар унсурларини ҳисоблашда арматуранинг ҳисобий қаршилигини, қўшимча равишда, арматура ҳароратининг катталиги ва унинг кизиш деформийлигига боғлиқ ҳолда 20-жадвал бўйича қабул қилинадиган, арматуранинг иш шароити коэффицентлари γ_s га қўлланилиши керак.

Куйидаги маркали пулатдан қилинган арматура ва прокат	Иккинчи гуруҳ чегаравий ҳолатлар учун чузилишга меъерий қаршилиқлар R_{st} ва чузилишга ҳисобий қаршилиқлар $R_{s,scr}$ МПа (кгк/см ²)	Эластиклик модулини $E_s \cdot 10^{-4}$ МПа (кгк/см ²) га тенг қилиб қабул қилинади
30XM	590(6000)	21(210)
12X13	410(4200)	22(220)
20X13	440(4500)	22(220)
20X23H18	195(2000)	20(200)
12X18H9T ва 08X17T	195(2000)	20(200)
45X14H14B2M	315(3200)	20(200)

Куйидаги маркали пулатдан қилинган арматура ва прокат	Биринчи гуруҳ чегаравий ҳолатлар учун арматуранинг		
	Бўйлама R_s	Қуңдаланг (ҳокимланган стерженларда) R_{sc}	Сиклишга R_{sc}
30XM	450(4600)	-	400(4000)
12X13	325(3300)	260(2650)	325(3300)
20X13	345(3500)	275(2800)	345(3300)
20X23H18	150(1550)	120(1250)	150(1550)
12X18H9T и 08X17T	150(1550)	120(1250)	150(1550)
45X14H14B2M	245(2500)	195(2000)	245(2500)

Арматуранинг тури ва синфи, иссиққа бардошли арматура ва прокатнинг маркаси	Кэф-фициент	Куйидагича кизишга ҳисоблаш	Арматуранинг ҳароратта оид чизикли кенгайишидаги α_{st} ва β_s арматуранинг кизиш ҳарорати °С куйидагича бўлганида, иш шароити коэффиценти γ_{st}								
			50-100	200	300	400	450	500	550	600	
A-I, A-II, BCT3кп2, BCT3Гпс5, BCT3сн5, BCT3лсб	γ_{st}	Киска муддатли узок давом этувчи	1,00	0,95	0,90	0,85	0,75	0,60	0,45	0,30	
Br-I		Киска муддатли узок давом этувчи	1,00	0,80	0,60	0,30	0,10	-	-	-	
B-II, Br-II, K-7, K-19	α_{st}	Киска муддатли узок давом этувчи	11,5	12,5	13,0	13,5	13,6	13,7	13,8	13,9	
A-I, A-II, Br-I, B-II, Br-II, K-7, K-19, BCT3кп2, BCT3Гпс5, BCT3сн5, BCT3лсб		Киска муддатли ва узок давом этувчи	11,5	12,5	13,0	13,5	13,6	13,7	13,8	13,9	
A-III, A-IIIa, A-IV, A-V	γ_{st}	Киска муддатли узок давом этувчи	1,00	0,90	0,75	0,40	0,20	-	-	-	
At-III, At-IV, At-V		Киска муддатли узок давом этувчи	1,00	0,85	0,70	0,35	0,15	-	-	-	
A-VI	γ_{st}	Киска муддатли узок давом этувчи	1,00	0,85	0,75	0,65	0,55	0,45	0,30	0,20	
At-VI		Киска муддатли узок давом этувчи	1,00	0,80	0,65	0,30	0,10	-	-	-	
A-III, A-IIIa, A-IV, A-V, A-VI, At-III, At-IV, At-V, At-VI	α_{st}	Киска муддатли ва узок давом этувчи	12,0	13,0	13,5	14,0	14,2	14,4	14,6	14,8	
30XM		Киска муддатли узок давом этувчи	1,00	0,90	0,85	0,78	0,76	0,74	0,22	0,10	
12X13, 20X13	α_{st}	Киска муддатли ва узок давом этувчи	9,5	10,2	10,7	11,2	11,5	11,8	12,1	12,4	
		Киска муддатли узок давом этувчи	1,00	0,95	0,86	0,80	0,73	0,65	0,53	0,40	
20X23H18	γ_{st}	Киска муддатли ва узок давом этувчи	12,0	12,6	13,3	14,0	14,3	14,7	15,0	15,3	
		Киска муддатли узок давом этувчи	1,00	0,97	0,95	0,92	0,88	0,85	0,81	0,75	
12X18H9T, 08X17T	α_{st}	Киска муддатли ва узок давом этувчи	10,3	11,3	12,4	13,6	14,1	14,7	15,2	15,7	
		Киска муддатли узок давом этувчи	1,00	0,72	0,65	0,62	0,58	0,60	0,57	0,56	
12X18H9T, 08X17T	α_{st}	Киска муддатли ва узок давом этувчи	10,5	11,1	11,4	11,6	11,8	12,0	12,2	12,4	
		Киска муддатли узок давом этувчи	1,00	0,72	0,65	0,60	0,58	0,55	0,50	0,40	

Арматуранинг тури ва синфи, иссиққа бардошли арматура ва прокатнинг маркази	Коэф-фициент	Қуйдагича қизишга ҳисоблаш	Арматуранинг ҳароратга оид қизиқли кенгайишдаги α_{st} ва β_s арматуранинг қизиш ҳарорати °С қуйдагича бўлганида, иш шароити коэффиценти γ_{st}							
			50-100	200	300	400	450	500	550	600
45X14H14B2M	γ_{st}	Қисқа муддатли узок давом этувчи	1,00	0,86	0,78	0,72	0,68	0,64	0,60	0,55
	α_{st}	Қисқа муддатли ва узок давом этувчи	1,00	0,86	0,78	0,70	0,63	0,55	0,43	0,30
A-I, A-II, A-III, A-IV, A-V, A-VI, Bp-I, Bp-II, B-II, K-7, K-19, BCT3кп2, BCT3Гпс5, BCT3сп5, BCT3пс6, 30XМ, 12X13, 20X13, 20X23H18, 12X18H9T, 08X17T, 45X14H14B2M	β_s	Қисқа муддатли ва узок давом этувчи	1,00	0,90	0,88	0,83	0,80	0,78	0,75	0,73
At-III, At-IIIb, At-IV, At-V,	β_s	Қисқа муддатли ва узок давом этувчи	1,00	0,96	0,92	0,85	0,78	0,71	0,55	0,40

- Изоҳлар: 1. Арматуранинг қизиқли ҳароратга оид қизиқли кенгайиш коэффиценти сон қийматининг 10^{-6} град⁻¹ га кўлайтирилганига тенг.
2. Хизмат муддати 5 йилдан ошмайдиган юк кўтарувчи конструкцияларни узок давом этувчи қизишга ҳисоблашда γ_{st} коэффиценти 20% га орттирилиш лозим, бунда унинг қиймати қисқа муддатли қизишдаги қийматидан ошмаслиги булмаслиги керак.
3. Ҳароратнинг оралиқ қийматлари учун γ_{st} , α_{st} , β_s коэффицентлар интерполяция бўйича аниқланади.

2.14 Асосий турлардаги стерженли ва симли арматуралар учун арматуранинг эластиклик модули E_s КМК 2.03.01-96 бўйича ва иссиққа бардошли пулатдан қилинган арматура ва прокат учун 18-жадвал бўйича қабул қилинади. Қизиганда арматура эластиклик модулининг камайишини ҳисобга олувчи коэффицент β_s арматура ва прокатнинг ҳароратига боғлиқ ҳолда 20-жадвал бўйича қабул қилиниши керак.

2.15 Арматуранинг ҳароратга оид қизиқли кенгайиш коэффиценти α_{st} 20-жадвал бўйича қабул қилиш лозим.

Кесимнинг чузилиш соҳасида ёриқлари бўлган темирбетон унсурларда, бетондаги арматуранинг ҳароратга оид кенгайиши коэффиценти α_{stm} қуйидаги ифода бўйича аниқланади:

$$\alpha_{stm} = \alpha_{bt} + (\alpha_{st} - \alpha_{bt}) \varphi_a \quad (49)$$

бунда α_{bt} , α_{st} - 14- ва 20-жадваллар бўйича арматура сатҳидаги бетоннинг қизиш ва арматуранинг қизиш ҳароратига боғлиқ ҳолда қабул қилинадиган коэффицентлар.

φ_a - 21-жадвал бўйича кесимни чузилган бўйлама арматура билан арматуралаш фоизига боғлиқ ҳолда қабул қилинадиган коэффицент

21-жадвал

Иккинчи гуруҳ чегаравий ҳолатлари бўйича ҳисоблашдаги моменти M_2 нинг биринчи гуруҳ чегаравий ҳолатлари бўйича ҳисоблашдаги момент M_1 га нисбати	Кесимни бўйлача арматуралар билан арматуралаш фоизи қуйидагича бўлгандаги φ_a коэффицент			
	0,2	0,4	0,7	1,0
$\frac{M_2}{M_1}$	0,2	0,4	0,7	1,0
1,0	0,90	0,95	1,00	1,00
0,7	0,75	0,90	0,95	1,00
0,5	0,55	0,80	0,90	0,95
0,2	0,20	0,55	0,70	0,80

Изоҳ $\frac{M_2}{M_1}$ нисбатларнинг оралиқ қийматлари учун φ_a коэффицент интерполяция бўйича аниқланади.

2.16. 50°С дан юқори ҳарорат таъсири шароитида ишловчи темирбетон конструкцияларни чидамлилиқка ҳисоблашда қўшимча равишда арматуранинг қизиш ҳароратига °С боғлиқ ҳолда қуйидагича қабул қилиб олинадиган арматуранинг иш шароити коэффиценти γ_{st} киритилиши лозим

100 гача.....	1,00
150.....	0,80
200.....	0,65

Ҳароратнинг оралиқ қийматлари учун γ_{st} коэффицент интерполяция бўйича

34-бет КМК 2.03.04-98

аникланади.

2.17. Юқори ҳароратлар таъсири шароитида ишловчи темирбетон унсурларнинг бетон чўзилиши соҳасида ёриқлар мавжуд бўлган жойларидаги эгриликни ҳисоблашда арматуранинг эластик-пластиклик ҳусусиятини ҳисобга олиш керак. Чўзилган арматуранинг эластик-пластиклик ҳусусиятини тавсифловчи арматура эластиклик коэффициенти γ_s арматура ҳарорати ва казиш давомийлигини ҳисобга олган ҳолда 22-жадвал бўйича қабул қилинади.

22-жадвал

Арматуранинг ҳарорати, °С	Қўйидагича қизишга ҳисоблашдаги γ_s коэффициенти	
	Киска муддатли	Узоқ давом этувчи
50-200	1,0	1,0
300	0,9	0,6
400	0,7	0,3

Изоҳ. Ҳароратнинг оралиқ қийматлари учун γ_s коэффицент.

3. БЕТОН ВА ТЕМИРБЕТОН КОНСТРУКЦИЯЛАРНИ БИРИНЧИ ГУРУХ ЧЕГАРАВИЙ ҲОЛАТЛАРИ БҮЙИЧА ҲИСОБЛАШ

БЕТОН УНСУРЛАРНИ МУСТАҲКАМЛИК БҮЙИЧА ҲИСОБИ

3.1. Оширилган ва юқори ҳароратлар таъсирига дучор бўладиган бетон конструкциялар унсурларини мустаҳкамлик бўйича ҳисоби, уларнинг бўйлама уқларига тик кесимлар учун КМК 2.03.01-96 бўйича, мазкур меъёр ва қоидаларнинг қўшимча талабларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

Бетон унсурларни сиқувчи кучлар таъсирига ҳисоблашда 1.27 - 1.31 ва 4.16 бандлар курсатмалари бўйича аникландиган кесим баландлиги бўйича бетоннинг нотекис қизишидан вужудга келадиган деформацияларини, уларни бўйлама куч эксцентриситети билан жамлаб ҳисобга олиниши лозим. Агар қизишдан вужудга келадиган деформациялар бўйлама куч эксцентриситетини камайтирса, унда улар ҳисобга олинмайди.

Марказдан ташқари сиқилган унсурлар

3.2. Кесимнинг баландлиги бўйича энг қизиган ек бетонни 400°С гача бўлган ҳарорат билан бир текис ва нотекис қизишга дучор бўладиган марказдан ташқари сиқилган бетон унсурларни ҳисобини бетоннинг ҳисобий қаршилиги R_b ни қўшимча равишда кесим сиқилган соҳа бетоннинг уртача ҳароратига боғлиқ ҳолда 10-жадвалда келтирилган, бетоннинг иш шароити коэффициенти $\gamma_{от}$ га кўпайтириш

лозим бўлган. КМК 2.03.01-96 нинг (12) ифодаси шартидан бажариш керак. α коэффицентни 1 га тенг қилиб олинади.

Тўғри бурчак кесимли унсурлар учун, бетон кесимининг сиқилган соҳа юзаси A_b ни КМК 2.03.01-96 нинг (13) ифодаси бўйича аниқланиши лозим.

Кесимнинг баландлиги бўйича энг қизиган ек марказда ташқари сиқилган унсурларнинг бетони 400°С дан ортиқ бўлган ҳарорат билан нотекис қизиганидаги ҳисоби кесим баландлиги бўйича бетон мустаҳкамлигининг ҳар-қиллигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим. Кесим баландлиги бўйича 400°С дан паст ва ундан ортиқ ҳароратгача қизиган икки қисмга бўлинади.

Марказдан ташқари сиқилган бетон унсурлар мустаҳкамлигини чўзилган соҳа бетони қаршилигини ҳисобга олган ҳолда текшириш, бетоннинг ҳисобий қаршилиги R_{bt} ни қўшимча равишда бетоннинг, қўйидаги холлар учун 10-жадвал бўйича қабул қилинадиган, иш шароити коэффицентини $\gamma_{от}$ га кўпайтириб, КМК 2.03.01-96 нинг (14) ифодаси шартидан амалга ошириш керак.

сиқилган соҳа томондан қизишда чўзилган соҳадаги бетоннинг уртача ҳароратига боғлиқ ҳолда,

сиқилган соҳа томондан қизишда - чўзилиш соҳасидаги бетоннинг ҳароратига боғлиқ ҳолда.

Кесимлар мустаҳкамлигини текширишда бетондаги (32) ифода бўйича аникландиган унсур кесими баландлиги бўйича бетон ҳароратларини қизиқли бўлмаган тақсимланиши тўғдирадиган чўзилиш: кучланиши σ_{bt} ҳисобга олиниши зарур.

Унсурлар кесимининг сиқилиши соҳасидаги бетоннинг энг катта ҳарорати бетоннинг ГОСТ 20910-90 да курсатилган энг четки руҳсат этилган қулланиш ҳароратидан ошмаслиги керак.

КМК 2.03.01-96 нинг (13) ва (14) ифодаларига киритилган коэффицент γ_s кесимнинг инерция моменти / ни 1.15 банд курсатмаларига асосан аникландиган $I_{ред}$ га тенг деф қабул қилиб худди шу меъёр ва қоидаларнинг узидан (19) ва (20) ифодалар бўйича топилади.

Бетоннинг КМК 2.03.01-96 нинг (22) ифодасидаги ҳисобий қаршилиги R_b ни бетоннинг қўшимча равишда кесимнинг оғирлик марказидаги бетоннинг ҳароратига боғлиқ ҳолда 10-жадвал бўйича қабул қилинадиган иш шароити коэффицентини $\gamma_{от}$ га кўпайтирилиши лозим.

КМК 2.03.01-96 нинг (21) ифодасидаги β коэффицентини, кесим оғирлик марказидаги бетоннинг ҳароратига боғлиқ ҳолда 23-жадвал бўйича аниқлаш лозим.

Бетон таркибларнинг 9-жадвал бўйича тартиб рақами	Кесим оғирлик марказида бетоннинг ҳарорати °С куйидагича бўлгандаги β коэффициенти						
	50	100	200	300	500	700	900
1-3	1,2	1,4	1,5	2,0	-	-	-
4-11, 23, 24	1,6	1,6	1,8	1,9	6,7	16,0	-
12-18, 29 30	1,5	1,5	2,0	8,0	33,0	-	-
19-21	1,2	1,4	1,5	2,0	16,0	25,0	50,0

Изоҳлар. 1. Хароратнинг оралик қийматлари учун β коэффициенти интерполяция бўйича аниқланади.

2. Агар марказдан ташқари сиқилган кесимнинг оғирлик марказидаги бетоннинг ҳарорати β нинг сонли қийматлари берилган энг катта ҳароратдан ошқ бўлса, унда ҳисобий кесимни оғирлик марказидаги бетоннинг ҳарорати жадвалда кўрсатилган энг катта қийматидан ортмайдиган тула бўлмаган баландлик билан қабул қилиш руҳсат этилади.

Эгилувчи унсурлар

3.3. Харорат таъсирига дучор бўладиган эгилувчи бетон унсурларни фақатгина, агар улар грунтда ёки маҳсус тушамада ётган, ва, мустасно тарихида, улар ҳусусий оғирликларидан тушадиган юкларга ҳисобланиши ва уларни остида одамлар ва жихозларнинг туриш эҳтимоли истисно қилинган шарт билангина қўллаш руҳсат этилади.

Эгилувчи бетон унсурлар ҳисоби ҚМҚ 2.03.01-96 нинг № 1-21, 23, 29 (9-жадвал каралсин) таркиблардаги бетон учун α коэффицентни 1 га тенг қилиб олинади, бетоннинг ҳисобий қаршилиги R_b ни қўшимча равишда, 3.2 - банд курсатмаларига мувофиқ қабул қилинадиган бетоннинг иш шароити коэффицентини γ_b га кўпайтирилиши лозим бўлган (23) шартдан амалга оширилиши керак.

Бунда бетондаги чўзилиш кучланиши σ_{bt} ни 3.2-банд курсатмалари бўйича ҳисобга олиш керак.

Кесим баландлиги бўйича энг қизиган ёки бетони ҳарорат 400°С дан катта бўлган билан нотекис қизиганида кесимнинг қаршилиқ моменти M_p ни ҚМҚ 2.03.01-96 нинг (16) ифодаси бўйича келтирилган кесимни юзаси, статик моменти ва инерция моментини 1.15-банд курсатмалари бўйича қабул қилиб, аниқланиши лозим.

3.4 Бетон конструкциялар унсурларининг маҳалли сиқилиш (эзилиш) га ҳисобини ҚМҚ 2.03.01-96 ва 3.16-банднинг қўшимча курсатмалари бўйича амалга ошириш керак.

ҚМҚ 2.03.04-98 35-бет ТЕМИРБЕТОН УНСУРЛАРНИНГ МУСТАҲКАМЛИК БЎЙИЧА ҲИСОБИ

Унсур бўйлама ўқига тик бўлган кесимларини мустаҳкамлик бўйича ҳисоби

3.5. Унсурнинг бўйлама ўқига тик бўлган қесимларини оширилган ва юқори ҳароратлар таъсир этганидаги ҳисоби ҚМҚ 2.03.01-96 бўйича 3.6 - 3.9 бандларнинг қўшимча талабларини ҳисобга олган ҳолда бажарилиши керак.

3.6. Бетоннинг ҳисобий қаршилиги R_b ни қуйидагиларга боғлиқ ҳолда 10-жадвал бўйича аниқланадиган бетоннинг иш шароити коэффицентини γ_{bt} ни ҳисобга олган ҳолда қабул қилиниши лозим.

туғри бурчак ва халқасимон кесимли, ҳамда токчаси чўзилиш зонасида бўлган тавр кесимли унсурлар учун - кесимнинг сиқилган соҳасидаги бетоннинг ўртача ҳароратига боғлиқ ҳолда;

токчаси сиқилган соҳасида бўлган қўштак ва таврли кесимлар учун қовурғасининг соҳаси ва токчаларининг сиқилган осилмалари алоҳида-алоҳида бетоннинг ўртача ҳароратига боғлиқ ҳолда.

Туғри бурчакли кесимлар сиқилган соҳасидаги бетоннинг ўртача ҳароратини $t_{ср}$ бўлганида кесимнинг сиқилган егидан 0,2 n_0 масофада жойлашган бетоннинг ҳарорати бўйича қабул қилиш руҳсат этилади. Агар $\chi = t_{ср}/t_0$ ёки кесим тула сиқилган ($\chi = h$) бўлса, бетоннинг иш шароити коэффицентини γ_{bt} ни, кесимнинг сиқилган егидан 0,5х масофада жойлашган бетоннинг ҳароратига боғлиқ ҳолда қабул қилиш руҳсат этилади.

Юк ҳисоблашда унсур кесими сиқилган соҳаси бетоннинг энг катта ҳарорати ГОСТ 20910-90 да кўрсатилган бетоннинг энг четки руҳсат этилган қўлланиш ҳароратидан ошмаслиги керак. Чўзилган соҳада жойлашган токча ҳисобловда эътиборга олинмайди.

Арматуранинг R_s ва R_{st} ҳисобий қаршилиқлари мос арматуранинг ҳароратига боғлиқ ҳолда 20-жадвал бўйича аниқланадиган арматуранинг иш шароити коэффицентини γ_{st} ни ҳисобга олган ҳолда қабул қилиниши лозим. Бунда арматуранинг ҳарорати арматуранинг ҳисобловга кўра белгиланадиган (17-жадвалга каралсин), энг четки руҳсат этилган қўлланиш ҳароратидан ошмаслиги керак.

3.7. Бетоннинг сиқилган соҳаси ҳисобий баландлигининг чегаравий қийматини z_R ҚМҚ 2.03.01-96 нинг (25) ифодаси бўйича аниқлашда, α нинг катталигини, шу меъёр ва қондаларининг (26) ифодасига α коэф-

36-бет КМК 2.03.04-98

фициентни таркиблардаги бетонлар учун (9-жадвалга қаралсин):

№ 1-3, 6, 7, 10-15, 19 ва 21 — 0,85;

№ 4, 5, 8, 9, 16 - 18, 23 ва 29 — 0,80.

КМК 2.03.01-96 нинг (25) ифодасида 19-жадвалда курсатилган иссиққа бардошли арматура учун $\sigma_{сжт} = R_s$ қабул қилиниши лозим. Барча синфлардаги арматура учун унинг иш шароити коэффициентни $\gamma_{сжт}$ ни арматуранинг ҳароратига боғлиқ ҳолда 20-жадвал бўйича олинади.

3.8 КМК 2.03.01-96 нинг (58) ифодаси бўйича шартли тенг куч $N_{ср}$ ни аниқлашда 3.2 ва 4.4-бандлар курсатмаларини эътиборга олиш лозим.

Арматура кесимнинг фақат битта ёки олдида жойлашганида, КМК 2.03.01-96 нинг (58) ифодаси бўйича $N_{ср}$ ни ҳисоблаш туриб, $I_s = 0$ қилиб олинади.

3.9 кесимнинг баландлиги бўйича нотекис кизилган марказий чузилган темирбетон унсурларнинг ҳисобида, КМК 2.03.01-96 даги (60) шартнинг ўнг томони кесимнинг томонларидан ҳар қайсиси бўйлаб жойлашган арматура юзасини арматуранинг ҳисобий қаршилиги R_s га ва арматуранинг мос арматуранинг ҳароратига боғлиқ ҳолда 20-жадвал бўйича олиндиغان иш шароити коэффициенти $\gamma_{сжт}$ га кўпайтмаларининг йиғиндиси билан алмаштирилади.

Унсурнинг бўйлама ўқига қия бўлган кесимларни мустақкамлик бўйича ҳисоби

3.10. Унсурнинг бўйлама ўқига қия бўлган кесимларини оширилган ва юқори ҳароратлар таъсир этганидаги мустақкамлик бўйича ҳисоби КМК 2.03.01-96 бўйича кундаланг куч ва эгувчи момент таъсирига, 3.11 - 3.15 бандларнинг қўшимча талабларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

Унсурнинг бўйлама ўқига қия бўлган кесимларни кундаланг куч таъсирига ҳисоби

3.11. Кундаланг арматурали темирбетон унсурларни кундаланг куч таъсирига ҳисоблашда қия ёриқлар оралигидаги қия бўйича мустақкамлигини таъминловчи КМК 2.03.01-96 нинг (72) ифодаси шартига риоя қилиниши керак. КМК 2.03.01-96 нинг (72) ва (74) ифодаларида бетоннинг ҳисобий қаршилиги R_b қўшимча равишда бетоннинг кесим оғирлиқ марказидаги бетон ҳароратига боғлиқ ҳолда 10-жадвал бўйича қабул қилинадиган, иш шароити коэффициенти $\gamma_{сжт}$ га кўпайтирилиши керак. КМК 2.03.01-96 нинг (73) ифодаси бўйича φ_{b2} коэффициентни ҳисоблаб чиқишда α коэффициент, β_b ва β_s коэффициентлар хомутлаонинг максимал ҳарора-

тига боғлиқ ҳолда 10 ва 20-жадваллар бўйича қабул қилинадиган (57) ифода бўйича ҳисобланади. КМК 2.03.01-96 нинг (74) ифодасидаги β коэффициент, бетоннинг қуйидаги таркиблари учун (9-жадвал қаралсин):

№ 1-3, 6, 7, 10-15, 19-21 — 0,01;

№ 4, 5, 8, 9, 16-18, 23 ва 29 — 0,02.

3.12. Кундаланг арматурали темирбетон унсурларнинг кундаланг куч таъсирига ҳисоби энг ҳавфли қия кесим бўйлаб, қия ёриқлар бўйича мустақкамликни таъминловчи КМК 2.03.01-96 нинг (75) ифодаси шартларидан амалга оширилиши керак.

3.13. Кундаланг арматурали унсурларни кундаланг куч таъсирига ҳисоблаганда, арматуранинг ҳисобий қаршлиги $R_{сжт}$ қўшимча равишда арматуранинг қуриладиган кесимдаги кундаланг арматуранинг энг катта ҳароратига боғлиқ ҳолда 20-жадвал бўйича қабул қилинадиган иш шароити коэффициенти $\gamma_{сжт}$ га кўпайтирилади.

бетоннинг ҳисобий қаршилиги $R_{бт}$ қўшимча равишда бетоннинг сиқилган соҳадаги бетоннинг ўртача ҳароратига боғлиқ ҳолда 10-жадвал бўйича қабул қилинадиган иш шароити коэффициенти $\gamma_{сжт}$ га кўпайтирилади. Тўғри бурчакли кесим сиқилган соҳасидаги бетоннинг сиқилган ёғидан $0,2h_0$ масофада жойлашган бетоннинг ҳарорати бўйича аниқлаш руҳсат этилади.

φ_{b2} коэффициентни кесим сиқилган соҳасидаги бетоннинг ўртача ҳароратида, бетоннинг қуйидаги таркиблари учун (9-жадвал қаралсин):

№ 1-3, 6, 7, 10-15, 19-21:

50—200°C 2,0

800°C ва ундан юқори 5,0

№ 4, 5, 8, 9, 16-18, 23 ва 29:

50—200°C 1,5

800°C ва ундан юқори 4,5

га тенг қилиб белгиланиши лозим.


200 ва 800°C оралигидаги ҳароратлар учун φ_{b2} интерполяция билан аниқланади.

Арматуранинг ҳисоблов бўйича белгиланган энг четки руҳсат этилган қўлланиш ҳароратидан (17-жадвал қаралсин) ошувчи ҳарорат таъсир этганда, унсур кесимининг баландлиги бўйича қалгалаштирилган кундаланг арматура қўйишга руҳсат этилади. Хомутларнинг энг кичик жоиз узунлиги $2/3h_0$ дан кам бўлмаслиги керак (4-расм).

Қия кесимдаги қисқартирилган хомутлар ва бетон қабул қиладиган кундаланг кучнинг миқдори қуйидаги ифода билан ҳисоблаб чиқарилади

$$Q_{сжт} = 2\sqrt{\varphi_{b2} + \varphi_{сжт}} \cdot \gamma_{сжт} \cdot R_{сжт} \cdot A_{сжт} - \alpha_{сжт} \frac{(h_1 - h_2)}{h} \quad (50)$$

$$c = \frac{1000 \cdot (\sigma_{сжт} + \sigma_{сжт} + \sigma_{сжт} + \sigma_{сжт})}{2 \cdot \sigma_{сжт}} \cdot 52h \quad (51)$$



4-расм. Темирбетон унсурнинг кесим баландлиги бўйича калталаштирилган хомутли қия кесимининг схемаси

c - унсурнинг баландлиги h_0 бўлган ҳисобий қия кесими проекцияси; c_1 - унсурнинг калталаштирилган шартли баландлиги $h_L = h_w + a$ бўлган ҳисобий қия кесими проекцияси

бунда q_{sw} - КМҚ 2.03.01-96 нинг, қайсиндаки R_{sw} хомутларнинг максимал ҳароратига боғлиқ ҳолда, 20-жадвалдан қабул қилинувчи γ_{st} коэффициентга кўпайтириладиган (81) ифодаси бўйича топилади.

Унсурнинг калталаштирилган кўндаланг арматурали кесимини h_0 ўрнига эгилувчи унсур кесимининг хомутнинг узунлиги ва энг кам қизиган еқ олдидаги бетон ҳимоя қатламига тенг бўлган

$h_L = h_w + a$ шартли ишчи баландлиги қабул қилинадиган (4-чизмага қаралсин), унғ кесимининг иккинчи ҳодисиз (50) ифода бўйича текшириш лозим. Ушбу текширишда бетоннинг ҳисобий қаршилиги R_{st} қўшимча равишда бетоннинг баландлиги калталаштирилган унсур кесимининг шартли сиқилган соҳадаги бетоннинг ўртача ҳароратига боғлиқ ҳолда 10-жадвал бўйича олинандиган иш шароити коэффициентини γ_{st} га кўпайтирилиши лозим, сиқилган соҳадаги бетоннинг ҳарорати эса ҳақиқий баландликдаги унсурни иссиқлик техникаси ҳисобидан аниқланади. Ҳисобий кўндаланг куч қилиб, одатдаги ва шартли баландликдаги унсур учун (50) - ифода бўйича ҳисоблоадан олинган энг кичик катталик қабул қилинади.

3.14. Кўндаланг арматурали бўлмаган эгилувчи унсурларни кўндаланг кучлар таъсирига КМҚ 2.03.01-96 нинг (84) ифодаси шартидан ва қисқа рафақларини (85)-ифодаси шартидан ҳисоблашда бетоннинг ҳисобий қаршиликлари R_{st} ва R_c қўшимча равишда бетоннинг кесимининг

сиқилиш зонасидаги бетоннинг ўртача ҳароратига боғлиқ ҳолда 10-жадвал бўйича аниқланадиган тегишли иш шароити коэффициентлари γ_{st} ва γ_{st} га кўпайтирилиши лозим. φ_{B3} коэффициентни кесим сиқилган соҳасидаги бетоннинг ўртача ҳароратида қуйидаги бетон таркиблари учун (9-жадвал қаралсин):

№1, 3, 6, 7, 10-15, 19-21	
50—200°С	1,5
800°С ва ундан юқори	3,3
№4, 5, 8, 9, 16-18, 23 ва 29	
50—200°С	1,0
800°С ва ундан юқори	2,2

га тенг қилиб қабул қилинади.

φ_{B3} коэффициентни кесим сиқилган соҳасидаги бетоннинг ўртача ҳароратида қуйидаги бетон таркиблари учун (9-жадвал қаралсин)

№1, 3, 6, 7, 10-15, 19-21	
50—200°С	0,6
800°С ва ундан юқори	1,3
№ 4, 5, 8, 9, 16-18, 23 ва 29	
50—200°С	0,4
800°С ва ундан юқори	0,9

га тенг қилиб қабул қилинади.


200 ва 800°С оралиғидаги ҳароратлар учун φ_{B3} ва φ_{B4} коэффициентлар интерполляция билан қабул қилинади.

Унсурнинг бўйлама ўқиға қия бўлган кесимларни эғувчи момент таъсириға ҳисоблаш

3.15. Эғувчи момент таъсириға ҳисоблаш КМҚ 2.03.01-96 нинг, арматуранинғ ҳисобий қаршиликлари R_s ва R_{sw} қўшимча равишда арматуранинғ бўйлама арматуралар, хомутлар ва букилган стерженларнинг энг катта ҳароратига боғлиқ ҳолда 20-жадвал бўйича олинандиган иш шароити коэффициентини γ_{st} га кўпайтирилиши лозим бўлган (88-90) - шартларидан амалға оширилиши керак.

Кўларнинг маҳаллий таъсириға ҳисоби

3.16. Қия арматураланган унсурларни маҳаллий сиқилиш (эзилиш)ға ҳисоби КМҚ 2.03.01-96 нинг (101) шартларидан амалға оширилиши керак. ψ коэффициентини маҳаллий юкнинг түсинлар, сарровлар ва тепадонлар учлари остида нотекис тақсимланганда, №1-21, 23 ва 29 таркибли бетонлар учун (9-жадвалға қаралсин) 0,75 га тенг қилиб олинади. Бетоннинг эзилишға бўлган ҳисобий қаршилиги $R_{B,loc}$ ни КМҚ 2.03.01-96 нинг (102)-ифодаси бўйича аниқлашда, бетоннинг ҳисобий қаршиликлари R_s ва R_{st} қўшимча равишда бетоннинг эзилган юзасидаги бетоннинг ўртача ҳароратига боғлиқ ҳолда 10-жадвал бўйича олинандиган тегишли иш шароити коэффициентла-



38-бет КМК 2.03.04-98

ри $\gamma_{\text{н}}$ ва $\gamma_{\text{т}}$ га кўпайтирилиши лозим

3.17. Босиб-эзишга КМК 2.03001-96 нинг (107)-(109)-ифодалари бўйича ҳисоблашда:

бетоннинг ҳисобий қаршилиги $R_{\text{б}}$ кўшимча равишда бетоннинг текширилаётган жойдаги бетон ўртача ҳароратига боғлиқ ҳолда 10-жадвал бўйича қабул қилинадиган иш шароити коэффициенти $\gamma_{\text{н}}$ га кўпайтирилиши лозим.

арматуранинг ҳисобий қаршилиги $R_{\text{сн}}$ 3.13-банд курсатмалари бўйича қабул қилиниши лозим.

α коэффициенти бетоннинг қуйидаги учун (9-жадвал қаралсин):

№1-3,6,7,10-15, 19-21 - 1,0;

№4 5,8,9, 16-18, 23 ва 29 - 0,8

қабул қилиниши: керак

3.18. Унсурнинг чўзилиш соҳасини ўзилишга КМК 2.03.01-96 нинг (110) шартдан ҳисоблашда $R_{\text{сн}}$ кўшимча равишда арматуранинг кўшимча арматура $A_{\text{сн}}$ нинг энг катта ҳароратига боғлиқ ҳолда, 20-жадвал бўйича олинадиган иш шароити коэффициенти $\gamma_{\text{сн}}$ га кўпайтирилиши лозим.

ТЕМИРБЕТОН УНСУРЛАРНИНГ ЧИДАМЛИЛИККА ҲИСОБИ

3.19. Темирбетон унсурлари 50°C дан юқори бўлган ҳарорат таъсир этгандаги ҳисоби КМК 2.03.01-96 нинг (120) ва (121) ифодалари бўйича қуйидаги кўшимча талабларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак:

бетоннинг ва арматуранинг ҳисобий қаршиликлари $R_{\text{б}}$ ва $R_{\text{с}}$ кўшимча равишда 2.17 ва 2.16-бандлар курсамалари бўйича олинадиган бетоннинг $\beta_{\text{б}}$ ва арматуранинг $\beta_{\text{с}}$ ни шароити коэффицентларига кўпайтирилади;

арматурани бетонга келтириш коэффициенти $\alpha' \frac{\beta_{\text{с}}}{\beta_{\text{б}}}$ нисбатга кўпайтирилади

$\beta_{\text{с}}$ коэффицент арматуранинг ҳароратига боғлиқ ҳолда 20-жадвал бўйича;

$\beta_{\text{б}}$ коэффицент - кесимнинг сиқилган соҳадаги бетоннинг ўртача ҳароратига боғлиқ ҳолида 10-жадвал бўйича қабул қилинади.

4. ТЕМИРБЕТОН КОНСТРУКЦИЯЛАР УНСУРЛАРИНИНГ ИККИНЧИ ГУРУҲ ЧЕГАРАВИЙ ҲОЛАТЛАРИ БЎЙИЧА ҲИСОБИ

ТЕМИРБЕТОН УНСУРЛАРНИНГ ЕРИКЛАР ҲОСИЛ БЎЛИШИ БЎЙИЧА ҲИСОБИ

Унсурнинг бўйлашга ўқига тик бўлган ериклар ҳосил бўлиши бўйича ҳисоби

4.1. Оширилган ва юқори ҳарорат таъсирига дучор бўладиган тизилувчи, чўзилувчи ва марказдан ташқари сиқилувчи

темирбетон унсурлар учун, бўйлаша ўқига тик кесимлар ериклар ҳосил бўлишида қабул қилинган зуриқишларни КМК 2.03.01-96 бўйича аниқланиши лозим. Бунда бетоннинг ҳисобий қаршилиги: $R_{\text{бл,сер}}$ кўшимча равишда бетоннинг иш шароити коэффициенти $\gamma_{\text{т}}$ бетоннинг эластиклик модули $E_{\text{б}}$ эса $\gamma_{\text{н}}$ ва $\beta_{\text{б}}$ коэффицентга кўпайтирилиши лозим. $\gamma_{\text{н}}$ ва $\beta_{\text{б}}$ - коэффицентлар, чўзилган арматура сатҳидаги бетоннинг ҳароратига боғлиқ ҳолда 10-жадвал бўйича қабул қилинади.

4.2. Темирбетон унсурларни ериклар ҳосил бўлиши бўйича ҳарорат таъсиридан бўладиган зуриқишларга ҳисоблашни қуйидагича қизишида олиб борилиши лозим:

качонки унсурнинг баландлиги бўйича кесимининг еқлари орасидаги бетоннинг ҳарорати ҳароратнинг энгри, чизиқли тақсимланишида, статик ноаниқ конструкциялар унсурларида 30°C дан ортиқ ва статик аниқ конструкциялар унсурларидан 50°C дан ортиқ фарқ қилса;

качонки чўзилган арматуранинг ҳарорати одатдаги бетондан қилинган конструкцияларда 100°C дан ва иссиққа бардошли бетонлардан қилинган конструкцияларда 70°C дан ортиқ бўлса;

арматуранинг ҳарорати статик аниқмас конструкциялар унсурларида 70°C дан ошганда, қизишдан кейинги совиишида

Конструкция унсурларида ериклар ҳосил бўлишининг ҳисоби бетонда ҳароратнинг тақсимланиши тўғдирадиган, (32)-ифода бўйича аниқланадиган чўзувчи кучланиш бетоннинг кучланиш аниқланаётган бетон толасининг ҳароратига боғлиқ ҳолда, 10-жадвал бўйича қабул қилинадиган иш шароити коэффициенти $\gamma_{\text{н}}$ га кўпайтирилган бетоннинг ҳисобий қаршилиги $R_{\text{бл,сер}}$ катталигига тенг еки ундан кичик бўлиши кераклиги шартдан амалга оширилади.

4.3. Юк ва ҳароратнинг биогаликдаги таъсирига дучор бўладиган темирбетон унсурларнинг ериклар ҳосил бўлиши бўйича ҳисоби КМК 2.03.01-96 бўйича, мазкур банднинг қуйидаги курсатмаларини ҳисобга олиб амалга оширилиши керак.

КМК 2.03.01-96 нинг (123) ва (125) ифодаларида $R_{\text{бл,сер}}$ урнига, ($R_{\text{бл,сер}} \gamma_{\text{н}} \alpha_{\text{бл}}$) ифода киритилади. α коэффициенти эса (57) ифода бўйича аниқланади. Иш шароити коэффицентлари $\gamma_{\text{н}}$, $\beta_{\text{б}}$ ва $\beta_{\text{с}}$ чўзилган арматура сатҳидаги бетоннинг ҳароратига боғлиқ ҳолда 10 ва 20-жадваллар бўйича қабул қилинган

Статик ноаниқ конструкциялар унсурларини КМК 2.03.01-96 нинг (124) ифодаси бўйича ҳисоблашда M , ўрнига M , $\pm M$,

ифодаси киритилади. Харорат таъсири туғдирган M_t моментнинг қиймати 1.32-банд кўрсатмалари бўйича аниқланади.

Харорат таъсирида туғилган кучланишни, агар уларнинг эътиборига олиниши кесимнинг ёриққа бардошлилигини оширса, ҳисобга олмаслик руҳсат этилади.

Олдиндан қисил зўриқиши P ни 1.21-банднинг кўрсатмалари бўйича, арматурадаги олдиндан зўриқишнинг асосий ва қўшимча йўқотишларини ҳисобга олган ҳолда аниқлаш лозим.

КМК 2.03.01-96 нинг (132) ва (134) ифодаларидаги қизиган унсурнинг келтирилган юзаси A_{red} (6) ифода бўйича аниқланади.

4.4. Келтирилган кесимнинг четки чўзилган толаси учун харорат таъсирдан бетонда пайдо бўладиган эластик бўлмаган деформацияларни ҳисобга олган ҳолдаги қаршилик моментини қуйидаги ифода бўйича аниқланади.

$$W_D = [0,292 + 0,75(\gamma_1 + 2\mu_1) + 0,075(\gamma_1 + 2\mu_1^2)] b h^2, \quad (52)$$

бунда
$$\gamma_1 = \frac{(b_1 - b)h_1}{b h}, \quad (53)$$

$$\gamma_1' = \frac{2(b_1 - b)h_1}{b h}, \quad (54)$$

$$\mu_1 = \frac{A_s}{b h}, \quad (55)$$

$$\mu_1' = \frac{A_s'}{b h}, \quad (56)$$

$$\alpha = \frac{E_s \beta_s}{E_b \beta_b}, \quad (57)$$

бу ерда β_s - чўзилган ва сиқилган арматуранинг хароратига боғлиқ ҳолда 20-жадвал бўйича аниқланади.

β_b - чўзилган ва сиқилган арматура сатҳидаги бетоннинг хароратига боғлиқ ҳолда 10-жадвал бўйича қабул қилинади.

Чўзилган арматурасининг химоя қатлами қалинлиги оширилган ($\beta = \frac{e}{r} > 0,1$) унсурларни ҳисоблашда (55) ифодаги μ_1 коэффициент 1-25 катталиққа камайтирилади.

4.5. Темирбетон унсурларни харорат ва кўпқарра такрорланувчи юклар таъсирдан ериқлар ҳосил бўлиши бўйича ҳисоби КМК 2.03.01-96 бўйича амалга оширилиши лозим, бунда бетоннинг ҳисобий қаршилиги $R_{b,ser}$ қўшимча равишда бетоннинг, чўзилган арматура сатҳидаги бетоннинг хароратига боғлиқ ҳолда 16-жадвал бўйича қабул қилинадиган иш шароити коэффициентини γ_{bt} га кўпайтирилиши лозим. Бетондаги юкдан туғилган максимал тик чўзувчи кучланиш (32) ифода бўйича аниқланадиган, харорат таъсирдан пайдо

бўладиган чўзувчи кучланиш билан қушилиши керак.

Унсурнинг бўйлама ўқига қия бўлган ёриқларни ҳосил бўлиши бўйича ҳисоби

4.6. Харорат таъсири шароитида унсурнинг бўйлама ўқига қия бўлган ёриқларни ҳосил бўлиши бўйича ҳисоби КМК 2.03.01-96 нинг (141) ва (142)-ифодалари бўйича бетоннинг ҳисобий қаршилиги $R_{b,ser}$ ва $R_{bt,ser}$ қўшимча равишда бетоннинг туғрибурчакли унсурлар учун келтирилган кесим оғирлик марказидаги бетоннинг хароратига боғлиқ ҳолда,

кўштавр ва таврсимон кесимли унсурлар учун сиқилган токчалари деворчасига туташган текисликдаги бетоннинг хароратига боғлиқ ҳолда 10-жадвал бўйича қабул қилинадиган иш шароити коэффициентлари γ_{br} ва γ_{tr} га кўпайтирилиши керак.

α коэффициент қуйидаги бетон таркиблари учун (9-жадвал қаралсин).

№1-3,6,7,10-15,19-21	- 0,01,
№4,5,8,9,16-18,23 ва 29	- 0,02

қабул қилиниши лозим.

4.7. Унсурларни, уларнинг бўйлама ўқига қия бўлган ериқларни ҳосил бўлиши бўйича харорат таъсири шароитида кўп қарра такрорланувчи юк таъсирида ҳисоби 4.5 ва 4.6 бандларнинг қўшимча кўрсатмаларини ҳисобга олган ҳолда КМК 2.03.01-96 бўйича амалга оширилиши лозим.

ТЕМИРБЕТОН УНСУРЛАРИНИНГ ЕРИҚЛАРНИ ОЧИЛИШИ БҮЙИЧА ҲИСОБИ

Унсурнинг бўйлама ўқига тик бўлган ериқларни очилиши бўйича ҳисоби

4.8. Арматуранинг харорати 100°C га яқин бўлганда, одатдаги бетондан қилинган темирбетон унсурлар учун унсурнинг бўйлама ўқига тик бўлган ериқларнинг кенглиги

e_{ser} КМК 2.03.01-96 бобининг (144)-ифодаси бўйича аниқланиши керак.

Арматуранинг юқоридаги хароратларида ёриқларнинг харорат таъсирдан бетон ва арматура деформацияларининг ҳақиқатлиги туғдирадиган қўшимча очилиш ҳисобга олиш керак. Бу ҳолда КМК 2.03.01-96 бобининг (144) ифодасидаги

$\frac{\sigma_{st}}{E_s}$ ўрнига қуйидагилар киритилса:

$$\text{қизишда} \quad \frac{\sigma_{st}}{E_s \beta_{st}} = \sigma_{st,ser} = \sigma_{st} \beta_{st}$$

қизишдан сўнги совишда

$$\frac{\sigma_{st}}{E_s \beta_{st}} = \sigma_{st,ser}$$

бунда $\sigma_{st,ser}$ (49) ифода бўйича аниқланади.

40-бет КМК 2.03.04-98

$\alpha_{br,ser}$ - арматуранинг ҳарорати ва қизишнинг давомийлигига боғлиқ ҳолда 14 ва 15-жадвал буйича қабул қилинади;

β_5 ва ν_{5^*} - арматуранинг ҳароратига боғлиқ ҳолда 20 ва 22-жадвал буйича аниқланади;

φ_1 - 4.9 банд курсатмалари буйича қабул қилинади.

σ_c нинг катталиги стерженли арматура учун $R_{s1,ser}$ ва симли арматура учун $0,6R_{s,ser}$ катталигидан ошмаслиги керак, бунда $R_{s,ser}$ қўшимча равишда арматуранинг арматура ҳароратига боғлиқ ҳолда 20-жадвал буйича қабул қилинадиган иш шароити коэффициенти γ_{st} га кўпайтирилади $e_0 < 0,8h_0$ ли марказдан ташқари қўзилишда, кесимнинг ялпи баландлиги бўйлаб ёриқлар пайдо бўлиши мумкин.

Унсурларнинг бўйлама ўқига қия бўлган ёриқларни очилиши буйича ҳисоби

4.9. Қўндаланг арматурали эгилувчи унсурлардаги бўйлама ўқига қия бўлган ёриқларнинг ҳарорат таъсирида очилиш кенглиги a_{cr} КМК 2.03.01-96 бобининг бетоннинг E_b ва арматуранинг E_s эластик модули қўндаланг арматуранинг ўртача ҳароратига боғлиқ ҳолда 10 ва 20-жадвал буйича қабул қилинадиган тегишли β_R ва β_s коэффицентларга кўпайтириш керак бўладиган (152) ифодаси буйича аниқланиши лозим.

φ_1 коэффициенти: қисқа муддатли қизишда -1,0; узоқ давом этувчи қизишда -1,5 га тенг қилиб қабул қилинади.

Хомутларнинг кесим баландлиги ўртасидаги ҳарорати одатдаги бетондан қилинган унсурларда 100 °C дан ортиқ, иссиққа бардошли бетондан қилинганларда 70 °C дан ортиқ бўлганида қия ёриқларнинг бетон ва арматуранинг ҳароратига оид деформациялари ҳар қиллиги туғдирган қўидаги тенг бўлган қўшимча очилиши ҳисобга олиниши керак.

$$(a_{st} - a_{br}) R_w s,$$

бу ерда a_{br} ва a_{st} - бетон ва арматуранинг хомутнинг кесим баландлигининг ўртасида t_w ҳароратидаги ҳарорат деформациялари коэффициенти,
 s - хомутлар орасидаги ма-софа.

ТЕМИРБЕТОН УНСУРЛАРНИНГ ЕРИҚЛАРНИ ЁПИЛИШИ БҮЙИЧА ҲИСОБИ

4.10 Темирбетон унсурларнинг ҳарорат таъсир этганда ёриқлар ёпилиши буй-

ича ҳисоби КМК 2.03.01-96 буйича амалга оширилади, бунда:

арматуранинг ҳисобий қаршилиги $R_{s,ser}$ қўшимча равишда арматуранинг ҳароратига боғлиқ ҳолда 20-жадвал буйича қабул қилинадиган иш шароити коэффициенти γ_{st} га кўпайтирилиши лозим.

олдидан қисиш зуриқиши P 1.21-банд курсатмалари буйича арматурадаги олдиндан зуриқишнинг асосий ва қўшимча йўқотишларини ҳисобга олган ҳолда қабул қилиниши керак.

Арматурадаги қўзилиш ва бетондаги сиқилиш кучланишлари, доимий, узоқ ва қисқа муддатли юқлар ҳамда узоқ ва қисқа муддатли қизиш зуриқишлар таъсиридан аниқланиши керак.

ТЕМИРБЕТОН КОНСТРУКЦИЯЛАР УНСУРЛАРНИНГ ДЕФОРМАЦИЯ БҮЙИЧА ҲИСОБИ

4.11. Оширилган ва юқори ҳарорат таъсирига дучор бўладиган темирбетон конструкциялар унсурларнинг деформацияларини (салкиликлари, бурилиш бурчаклари), КМК 2.03.01-96 буйича 4.12-4.16 бандларнинг қўшимча талабларини назарда тутган ҳолда ҳисоблаб чиқиш керак.

Темирбетон унсурларнинг қўзилиш соҳасида ёриқлари бўлмаган қисмларидаги эгриликни аниқлаш

4.12. Эгилувчи марказдан ташқари сиқилган ва марказдан ташқари қўзилган унсурларнинг бўйлама ўқига тик ёриқлар ҳосил бўлмайдиган қисмларидаги эгрилиги катталигини КМК 2.03.01-96 нинг (155)-(159)-ифодалари буйича аниқлашни қўидаги курсатмаларни ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш лозим.

КМК 2.03.01-96 нинг (156) ифодаси

буйича $(\frac{1}{r})_1$ ва $(\frac{1}{r})_2$ эгрилакларни аниқлашда.

узоқ давом этувчи қизишга ҳисоблаганда бетоннинг узоқ давом этувчи силжувчанлиги таъсирини ҳисобга олувчи φ_{D2} коэффициенти бетоннинг тури ва кесимнинг сиқилган соҳасидаги бетоннинг ўртача ҳароратига (4.13-бандга қаралсин) боғлиқ ҳолда 24-жадвал буйича қабул қилинади.

φ_{D1} коэффициенти 1.15-банд курсатмалари буйича қабул қилинади.

келтирилган кесимнинг инерция моменти $I_{теор}$ (1) ифодадаги ν климатни қисқа муддатли қизиш учун ҳароратнинг қутарилиш тезлигига боғлиқ ҳолда ва узоқ давом этувчи қизиш учун ҳарорат қутарилиши 10°С/соат ва ундан қисқа муддатли қизишдаги қабул қилиб, 1.15-банд курсатмалари буйича аниқланади.

24-жадвал

Бетон таркиб-лари-нинг 9-жадвал бўйича тартиб рақами	Кесимнинг сиқилган соҳасидаги бетон ўртача ҳарорати °С қуйидагича бўлганда, бетоннинг узок давом этувчи силжувчанлигининг ериқлари бўлмаган унсур деформациясига таъсири-ни ҳисобга олувчи ϕ_{b2} коэффициент									
	50	70	100	200	300	400	500	600	700	800
1-3	3,0	4,0	3,5	4,0	-	-	-	-	-	-
4-11, 23, 24	3,0	4,0	3,5	3,5	3,5	5,0	7,0	8,0	10,0	-
12-18, 29, 30	3,5	4,5	4,0	4,0	8,0	11,0	15,0	20,0	-	-
19-21	3,0	3,0	3,0	3,0	3,5	7,0	10,0	13,0	16,0	20,0

- Изоҳлар: 1. Жадвалда ϕ_{b2} коэффициентнинг қийматлари узок давом этувчи қизиш учун берилган.
2. Кисқа муддатли қизиш ва юкнинг давомий таъсири учун, коэффициент $\phi_{b2}=1$.
3. Оралик ҳароратлар учун ϕ_{b2} коэффициент қиймати интерполяция билан қабул қилинади.
4. Унсурда $\mu \geq 0,7\%$ ли сиқилган арматура мавжуд бўлса ϕ_{b2} коэффициентнинг қиймати (1-0,11 μ') га кўпайтирилади, лекин камида 0,6 қабул қилинади.
5. Икки ўқли кучланиш ҳолатида ϕ_{b2} коэффициентни 0,8 га кўпайтирилади.
6. Галма-гал намланишда ϕ_{b2} нинг қийматини 1,2 га кўпайтириш лозим.

ҚМК 2.03.01-96 нинг (159) ифодасидаги арматуранинг E_s эластиклик модулини арматуранинг ҳароратига боғлиқ ҳолда 20-жадвалдан қабул қилинадиган β_s коэффициентига кўпайтириш лозим.

Темирбетон унсурларнинг чўзилиши соҳасида ёриқлари бўлган қисмлардаги эгрилик ҳисоби

4.13. Эгилувчи, марказдан ташқари сиқилган, ҳамда $e_0 \geq 0,8h_0$ бўлганда, марказдан ташқари чўзилган туғрибурчакли тавр ва қўштавр (кутисимон) кесимли унсурларнинг чўзилиши соҳасида унсур бўйлама ўқига тик ериқлар ҳосил буладиган жойларидаги ҳарорат таъсири шароитидаги эгриликни ҚМК 2.03.01-96 нинг (160)-ифодаси бўйича, қуйидаги кўрсатмаларни ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

бетоннинг эластиклик модули E_b ни бетоннинг сиқилган соҳа бетони ўртача ҳароратига боғлиқ ҳолда 10-жадвал бўйича қабул қилинадиган β_b коэффициентига кўпайтирилиши лозим;

бетоннинг ҳисобий қаршилиги $R_{bt, ser}$ қўшимча равишда бетоннинг сиқилган соҳа бетони ўртача ҳароратига боғлиқ ҳолда 10-жадвалдан қабул қилинадиган иш шароити коэффициентини γ_{bt} га кўпайтирилиши лозим.

ҚМК 2.03.04-98 41-бет

и коэффициентни 13-жадвал бўйича кесимнинг сиқилган бетони ўртача ҳароратига соҳа боғлиқ ҳолда қабул қилиниши лозим.

Кесимнинг сиқилган соҳаси бетони ўртача ҳароратини қуйидагича қабул қилишга рўхсат этилади:

туғри бурчак кесимлар учун кесимнинг сиқилган еғи четидан 0,2 h_0 масофадаги бетоннинг ҳарорати бўйича;

таврли ва қўштаврли кесимлар учун сиқилган тоқча бетонининг ўртача ҳарорати бўйича.

Арматуранинг эластиклик модули E_s чўзилган арматуранинг ҳароратига боғлиқ ҳолда 20 ва 22-жадвал бўйича олинadиган β_s коэффициентини ва ν_s коэффициентига кўпайтирилиши лозим.

Бетоннинг ҳисобий қаршилиги $R_{bt, ser}$ қўшимча равишда бетоннинг чўзилган арматура сатҳидаги бетоннинг ҳароратига боғлиқ ҳолда 10-жадвал бўйича қабул қилинадиган иш шароити коэффициентини γ_{bt} га кўпайтириш керак.

ψ_s коэффициентини, ϕ_{b2} коэффициент ҚМК 2.03.01-96 нинг 35-жадвали бўйича қабул қилиб ҚМК 2.03.01-96 нинг (167)-ифодаси бўйича:

қисқа муддатли қизишга ҳисоблашда - юкнинг нодавомий таъсири учун, узок давом этувчи ҳисоблашда - юкнинг давомий таъсири учундек аниқланади.

$W_{0,4}$ банд кўрсаткичларига асосан ҳисоблаб чиқилади.

ψ_b коэффициент қуйидагиларга тенг қилиб олинади:

синфи Б7,5 дан юқори бўлган исикка бардошли бетонлар учун 0,9
 синфи Б7,5 ва ундан таст бўлган исикка бардошли бетонлар учун 0,7
 бетоннинг тури ва синфидан қатъий назар, ҳарорат таъсири шароитида кўп қарра тақдорланувчи юқлар таъсирига ҳисобланувчи исикка бардошли бетонлардан қилинган конструкциялар учун 1,0
 ҚМК 2.03.01-96 нинг (161) ва (164) ифодаларида α коэффициенти, β_s коэффициентни чўзилган арматура ҳароратига боғлиқ ҳолда 20-жадвалдан қабул қилинадиган (57) ифодага қўра, β_s коэффициентини эса - сиқилган соҳа бетонининг ўртача ҳароратига боғлиқ ҳолда 10-жадвал бўйича аниқланиши керак; (161) ифодада эса β коэффициент 1,8 га тенг.

Салқиликларни аниқлаш

4.14. Унсурларнинг тула салқилиги қуйидагилар сабабли пайдо бўлган салқиликлар йиғиндисига тенг:

ҚМК 2.03.01-96 нинг (171)-ифодаси бўйича аниқланadиган эгилиш деформацияси ϵ_{tr} туфайли.

ҳарорат таъсиридан вужудга келувчи 4.16 банд бўйича қабул қилинадиган деформация ϵ_{cr} туфайли.

42-бет КМК 2.03.04-96

эгиловчи унсурлар учун $\frac{l}{h} < 10$ 4.15

банд курсатмалари буйича бўлганда, эътиборга олиннадиган силжиш деформацияси f_q туфайли

f_s салкиликни, агар у унсурнинг тула салкилигини камайишига олиб келса, ҳисобга олмағлик руҳсат этилади.

4.15. Юқдан ва ҳарорат таъсиридан силжиш деформацияси сабабчи бўлган f_q салкиликни КМК 2.03.01-96 нинг (172)-ифодаси буйича қуйидаги қўшимча талабларни ҳисобга олган ҳолда аниқланади

φ_{b2} коэффицент 24-жадвал буйича қабул қилинади

Силжиш модули G ни аниқлашда 11-жадвал буйича қабул қилинадиган бетоннинг эластиклик модули E_b ни, кесимнинг оғирлик марказидаги бетон ҳароратига боғлиқ ҳолда, 10-жадвал буйича аниқланадиган β_b коэффицентга кўпайтирилади.

КМК 2.03.01-96 нинг (174)-ифодасида, келтирилган кесимнинг инерция моменти I_{red} 1.15-банд курсатмалари буйича аниқланади.

4.16. Унсур кесимининг баландлиги буйича бетоннинг нотекис қизишдан буладиган деформациялар сабабчи бўлган f_s салкиликни қуйидаги ифода буйича аниқланади:

$$f_s = \int_0^l M(x) f_r(x) dx, \quad (58)$$

бу ерда $f_r(x)$ - унсурнинг x кесимидаги мазкур кесимда юк ёки ҳарорат таъсиридан пайдо бўлган зуриқишлар тугдирган ёриқларнинг мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, ҳарорат таъсиридан вужудга келган эгрилиги 1.27-1.31 бандлар курсатмалари буйича аниқланади.

$M(x)$ - x кесимдаги салкилиги аниқланаётган ораликнинг узунлиги буйича x кесимда унсурнинг аҳтарилаётган силжиш йўналиши буйича қўйилган бирлик куч таъсиридан ҳосил бўлган эгувчи момент.

Кесимнинг чузилган соҳасида бир томонлама арматураловга ва арматураларнинг пайвандланма туташмаларга эга бўлган конструкциялар йиғма унсурларнинг салкиликларини бирикмадаги чокнинг ута деформацияланувчанлигини ҳисобга олган ҳолда аниқланади. Бунда йиғма унсурнинг туташма чегарасидаги бутун унсур учундек аниқланадиган эгрилиги қоришма билан туташмага оид устама коплагичлар пай-

вандлангандан сўнг тулдирилганида, 5 мартаба ва чок 5.11-бандда курсатилган пайвандловнинг берилган кетма-кетлигини кузда тутган ҳолда бажарилган пайвандловгача тулдирилганида, 50 мартаба катталаштирилади.

Кесимнинг баландлиги буйича бетоннинг ҳарорати тусиннинг бор узунлиги буйлаб бир ҳилда тақсимланган, баландлиги доимий бўлган эркин таянган ёки рафак тусинларини ҳисоблашда ҳарорат таъсири тугдирадиган салкилик қуйидаги ифода буйича аниқланади:

$$f_s = \left(\frac{l}{h}\right) s_2 l^2, \quad (59)$$

бунда $\left(\frac{l}{h}\right)_s$ - ҳарорат таъсиридан эгрилик

1.27-1.31 бандлар курсатмалари буйича аниқланади;

s_2 - эркин таянган тусинлар учун

1/8 га ва рафаклилар учун

1/2 га тенг қилиб олиннадиган коэффицент.

Унсурларнинг бикрлигини аниқлаш

4.17. Эгилувчи, марказдан ташқари сиқилган ва марказдан ташқари чузилган унсурларнинг, буйлама уқига тик ёриқлар ҳосил бўлмайдиган жойларидаги бикрлигини қуйидаги ифода буйича аниқланади:

$$B = \frac{\varphi_{b1} E_b I_{red}}{\varphi_{b2}}, \quad (60)$$

I_{red} , φ_{b1} ва φ_{b2} катталиклар 1.15 ва 4.12 бандлар курсатмалари буйича қабул қилинади

4.18. Чузилган соҳасида унсурнинг буйлама уқига тик ёриқлар ҳосил бўладиган жойлардаги бикрилик қуйидаги ифодалар буйича аниқланади:

эгиловчи унсурлар учун

$$B = \frac{h_{ef}}{\frac{\psi_s}{E_b \nu_s A_s} + \frac{\psi_b l}{E_b \nu_b A_b}}, \quad (61)$$

марказдан ташқари сиқилган ва марказдан ташқари чузилган унсурлар учун ҳамда буйлама кучни унсур кесимининг оғирлик марказига қўйилганда

$$B = \frac{e_{ef}}{\frac{\psi_s}{E_b \nu_s A_s} + \frac{\psi_b l}{e_0 - \psi_b e_{ef}}}, \quad (62)$$

z олдидаги «-» ишораси марказдан ташқари сиқилганда «+» ишораси марказдан ташқари чузилгандадир

$$e_0 = \frac{M}{N}, \quad (63)$$

марказдан ташқари чузилишда ва $e_0 < 0.8h_{ef}$, бўлганида $e_0 = 0.8h_{ef}$ қилиб олинади.

M ва N - ҳарорат ва юк таъсири тугдирган зуриқишлар.

(61) ва (62) ифодаларга кирувчи барча

қолган қатталықлар 4.13-банд курсатмалари буйича аниқланади.

5. КОНСТРУКЦИЯГА ОИД ТАЛАБЛАР

5.1. Оширилган ва юқори ҳарорат таъсири шароитида ишлашга мўлжалланган бетон ва темирбетон конструкцияларни лойиҳалашда ҚМҚ 2.03.01-96 нинг конструкцияга оид талаблари ҳамда 5.2-5.22 бандларнинг курсатмалари бажарилиши лозим.

УНСУРЛАР КЕСИМЛАРИНИНГ МИНИМАЛ УЛЧАМЛАРИ

5.2. Конструкцияларнинг муҳофазаловчи унсурлари кесимнинг энг кичик улчалари иссиқлик техникаси ҳисоби билан белгиланади.

Иссиққа бардошли оғир бетондан қилинган қуйма равоқлар, гүмбозларнинг, қопламе ва ора ёпма тахталарининг қалинлиги камида - 60 мм, иссиққа бардошли енгил бетондан қилинган тахталарда камида - 70 мм қабул қилиниши керак. Йигма тахталарнинг энг кичик қалинлиги бетоннинг талаб этиладиган химоя қатлами қалинлигини таъминлаш шартидан ва тахтанинг қалинлиги буйича арматуранинг жойланиш шартларидан аниқланиши керак.

Марказдан ташқари сиқилган бетон ва темирбетон унсурлар кесимларининг улчалари оширилган ва юқори ҳароратлар таъсир этганда шундай олиниши керакки, уларнинг эгилувчанлиги $\frac{1}{25}$ ҳадвалда курсатилган чегаравий кийматлардан ошмасин.

25-ҳадвал

Унсурлар	Марказдан ташқари сиқилган унсурларнинг кесимнинг оғирлик марказидаги бетоннинг ҳарорати °С қуйидагича бўлгандаги чегаравий эгилувчанлиги $\frac{1}{25}$				
	50-100	300	500	700	900
Бетон	85	60	50	45	35
Темирбетон	125	90	55	-	-

Изоҳлар: 1. Бир томонлама арматураланган темирбетон унсурлари учун чегаравий эгилувчанлик бетон унсурлардаги каби қабул қилинади.
2. Ҳароратнинг оралик кийматлари учун чегаравий эгилувчанликлар интерполяция буйича олинади.

БЕТОННИНГ ХИМОЯ ҚАТЛАМИ

5.3. Одатдаги бетондан қилинган конструкцияларда бетоннинг химоя қатлами қалинлиги.

арматуранинг ҳарорати 100°С гача бўлганда

ҚМҚ 2.03.04-98 43-бет

зуриқтирилган ва тиргақларга тортилганида зуриқтирилган буйлама ишчи арматуралар учун;

қундаланг, такоимловчи ва конструктив арматуралар учун ҚМҚ 2.03.01-96 буйича, арматуранинг ҳарорати бетон галмагал намланиб туришида 100°С да юқори бўлган ҳолларда 5 мм га оширилган ва арматуранинг 1,5 диаметрдан кам олмай қабул қилиниши керак

Иссиққа бардошли бетондан қилинган конструкцияларда бетоннинг арматура учун химоя қатлами қалинлигини, унинг туридан қатъий назар ҚМҚ 2.03.01-96 да курсатилганидан:

арматуранинг ҳарорати °С қуйидагича бўлганда:

200 гача 5 мм га;

200 дан юқори..... 10 мм га ортиқроқ қилиб қўзда тутилиши керак,

бунда бетоннинг химоя қатламини энг кичик қалинлиги, арматура ҳарорати °С қуйидагича бўллиши керак:

100 гача 1,5d;

100 дан юқори 300 гача 2d;

300 дан юқори 2,5d.

5.4. Одатдаги ва иссиққа бардошли бетонлардан қилинган олдиндан зуриқтирилган унсурлар уч олди кучланишлари соҳаси узунлигидаги бетон химоя қатламининг қалинлиги арматуранинг ҳарорати 100°С гача бўлганда, камида қуйидагини ташкил қилиши керак: А-IV ва А-IIIв синфлардаги стерженли арматуралар учун, ҳамда арматура арқонлари учун - 2d, А-V ва А-VI синфлардаги стерженли арматуралар учун- 3d, юқорироқ ҳароратларда эса арматуранинг 0,5 диаметрига орттириш лозим.

5.5. Одатдаги ва иссиққа бардошли бетонлардан қилинган, бетонга тортилган зуриқтирилган буйлама арматурали унсурларда арматуранинг ҳарорати 100°С гача бўлгандаги унсур сиртидан қаналнинг сиртигача бўлган масофани ёки зуриқтирилган арматуранинг унсур кесимининг ўйиғида ёки ташқарисидан жойлашганидаги бетон химоя қатламининг қалинлигини ҚМҚ 2.03.01-96 буйича, арматуранинг юқорироқ ҳароратларида эса - 10 мм га орттириб қабул қилиниши лозим.

5.6. Ичи бўш ҳалқа ёки қутисимон кесимли унсурларда оширилган ва юқори ҳароратлар таъсири шароитида буйлама арматуранинг стерженларидан бетоннинг ички сиртигача бўлган масофа 5.3-банд талабларини қондириши керак.

ЗУРИҚТИРИЛМАГАН АРМАТУРАЛАРНИ АНКЕРЛАШ

5.7. Оширилган ва юқори ҳароратлар таъсир шароитида арматуранинг анкерлаш узунлиги $l_{ан}$ ни ҚМҚ 2.03.01-96 нинг (196) ифодаси буйича аниқланганда, R_s ни қўшимча равишда арматуранинг ҳароратига боғдир

44-бет КМК 2.03.04-98

холда 20-жадвал буйича олинадиган иш шароити коэффиценти γ_{st} га қўлайтириш лозим; F_b ни қўшимча равишда бетоннинг арматура сатҳидаги бетон ҳароратига боғлиқ холда 10-жадвал буйича олинадиган иш шароити коэффиценти γ_{bt} га қўлайтириш лозим.

Бетон галма-гал намланиб ва арматуранинг ҳарорати 200°C ган юқори бўлганда, l_{an} нинг катталигини 20% га ошириш лозим; ҳар бир чўзилган буйлама стерженга камида иккитадан кундаланг стержен пайвандлашни кўзга тутиш керак.

УНСУРЛАРНИ БУЙЛАМА АРМАТУРАЛАШ

5.8. Иссиққа бардошли бетондан қилинган темирбетон унсурларда буйлама арматураловни ва буйлама арматура кесимининг энг кичик юзасини КМК 2.03.01-96 буйича қабул қилиш керак.

Буйлама ишчи арматуранинг диаметри арматуранинг ҳарорати °C қуйидагича бўлганда

100 гача	28 мм;
100 дан 200 гача	25 " ;
200 " 300 "	20 " ;
300 " 400 "	16 " ;
400 дан юқори	12 мм

дан ошмаслиги керак.

УНСУРЛАРНИ КУНДАЛАНГ АРМАТУРАЛАШ

5.9. Иссиққа бардошли бетондан қилинган темирбетон унсурларни кундаланг арматураловни КМК 2.03.01-96 буйича қабул қилиш керак.

Буқилган стерженларнинг диаметри арматуранинг ҳароратига боғлиқ холда 5.8-банд курсатмалари буйича қабул қилиниши лозим.

АРМАТУРА ВА ОЛДИНДАН УРНАТИЛАДИГАН ДЕТАЛЛАРНИНГ ПАЙВАНДЛАНМА БИРИКМАЛАРИ

5.10. Иссиққа бардошли бетондан қилинган конструкциялардаги арматура ва олдиндан ўрнатиладиган пайвандланма бирикмалари ҳамда зуриктирилган арматураларнинг устма-уст қуйиб (пайвандлов-сиз) уланган туташмалари КМК 2.03.01-96 буйича бажарилиши керак. Ишчи йўналишида бир-бирига киргазилиш (устма-уст уйилиш) узунлиги / 5.7 банд талабларини ҳисобга олган холда, аниқланадиган l_{an} нинг катталигидан кам бўлмаслиги керак. Даврий кесимли арматуралардан қилинган туташтирмладиган стерженларнинг диаметри 28 мм дан, силлиқ арматурадан қилинганларининки эса - 20 мм дан ошмаслиги керак. Циклик қизишда ва чўзилган арматуранинг 100°C дан юқори доимий қизишида пайвандловсиз устма-уст туташмаларга йўл қўйилмайди.

ИИФМА КОНСТРУКЦИЯЛАР УНСУРЛАРИНИНГ ТУТАШМАЛАРИ

5.11. Иссиққа бардошли бетондан қилинган йиғма конструкциялар унсурларининг туташмалари КМК 2.03.01-96 буйича бажарилиши керак. Арматураларнинг пайвандланма бирикмаларини стерженларни устамаларга пайвандлаш кетма-кетлигини ҳисобга олган холда кўзда тутилиши керак. Стерженларни туташманинг аввал бир томонидан, устама совиғанидан сўнг эса бошқа томонидан пайвандлаш керак.

Иссиққа бардошли бетонлардан қилинган девор панеллари оралиғидаги туташмаларни уячами 5x5 см ли бетон чорқирра ғулачаси ўрнатиб, қоришмали қилиб кўзда тутиш керак (5,а-расм). Иссиқлик агрегатининг ишчи фазосини беркитувчи панелларнинг туташмаларида бетон чорқирра ғулачасини қовирғаларнинг кам қизиган томонидан қоришмада ўрнатилиши керак (5,б-расм). Туташтириладиган рафақли буртиқларга эга бўлган тахтали осма панеллар қовирғалари оралиғидаги бушлиқни иссиқ ихоталовчи материаллар билан тулдириш лозим (5,в-расм).


Иссиққа бардошли энгил бетондан қилинган панеллар оралиғидаги туташмаларни сикилишга мустақамлиги футеровка бетонидан кам бўлган қоришма билан тулдирилиши лозим. Қоришмани камида М15 маркали қилиб олинади. Панелларнинг буйлама ён қирра сиртлари, қоришмани тўқилишдан тутиб турувчи, уйиқлар еки суириларга эга бўлиши керак (5,г,д,е,ж-расмлар).

Иссиқлик агрегатларнинг йиғма унсурлари оралиғидаги туташма чокларининг қалинлигини камида 20 мм қабул қилиш керак.

5.12. Иссиққа бардошли бетондан қилинган йиғма унсурларда арматуралар бирикмаларини, хошияловчи бурчакликлар, туташмага оид устама қоплагичлар еки арматураларни устма-уст қуйириш йўли билан туташтириш орқали бажариш руҳсат этилади (6-расм).


Панелларнинг зуриқишни арматурадан туташма устама қоплагичига қийиқ темирлаппак орқали эксцентриситет билан узатувчи туташмаларида албатта даврий кесимли арматуралардан анкерлар кўзда тутилиши керак. Лаппакка таврсимон еки устма-уст киргизиб пайвандланган анкер стерженларининг узунлиги 5.7-банд курсатмалари буйича аниқланадиган l_{an} дан кам бўлмаслиги керак.

Агар арматуранинг ҳисоблоғе белгиладиган (17-жадвалга қаралсин) энг четки руҳсат этилган қўлланиш ҳароратидан ортиқ бўлган ҳарорат сабабли, анкерларнинг зарурий ҳисобий узунлигига риоя қилиш мумкин бўлса, унда анкерлар узунлигини уларнинг учларига қўшимча лаппакларни мажбуран пайвандлаш билан камайтириш руҳсат этилади (7-расм).




5-расм. Иссиққа бардошли бетонлардан қилинган йиғма конструкциялар унсурларнинг туташмалари

а-қовурғали панелларнинг деворлардаги туташмаси; б- қовурғали пачелларнинг қопламалардаги туташмаси; в-рафақ буртиқларга эга бўлган қовурғали панелларнинг туташмаси; г- икки қатламли панелларнинг туташмаси; д- хошияловчи арматура синчи панелларнинг туташмаси; е- иссиққа бардошли бетондан қилинган хошияловчи синчи панелларнинг туташмаси; ж- иссиққа бардошли енгил бетондан қилинган панелларнинг туташмаси; 1-иссиққа бардошли оғир бетон; 2-арматурали синч; 3- D 1100 ва ундан кам бўлган иссиққа бардошли енгил бетон; 4- иссиққа бардошли бетондан қилинган 5x5 см кесимли чаркирра ғулача; 5- диаметри 6 мм ли стержен; 6-иссиққа бардошли қорیشма; 7-панелнинг биқрлик бурчаклиги; 8- D 1200 ва ундан катта бўлган иссиққа бардошли енгил бетон; 9- анкер; 10- қалинлиги 10-20 мм ли иссиқлик ихоталовчи ора қатлами, 11- металл тунука тахта; 12- туташма устама қоплагичи



6-расм. Иссиққа бардошли бетондан қилинган йиғма конструкциялар унсурлари туташмаларидаги арматура бирикмалари

а-пўлат тунука тахтадан қилинган металл устама қоплагичли устама-уст қирғизилган бирикма, б, в - ГОСТ 14098-91 буйича учма-уч туташган бирикмалар, г-устама-уст қирғизилган бирикма



7-расм Иссиққа бардошли бетондан қилинган туртта панелнинг арматура учма-уч туташмаси детали
1-арматура; 2-қийик темир лаппак; 3-туташма устама қоплагичи; 4-пайванд; 5- арматуранинг анкери;
6-қийик темир лаппак анкери; 7-анкерловчи лаппакча.

АЛОҲИДА КОНСТРУКТИВ ТАЛАБЛАР

5.13. Ҳарорат-киришиш чокининг кенглиги b чоклар орасидаги масофа l га боғлиқ ҳолда қуйидаги ифода бўйича аниқланиши керак

$$b = \epsilon_t l \quad (64)$$


Унсур укининг нисбий узайиши ϵ_t ни 1.27-1.30 бандлар хўрсатмалари бўйича конструкциянинг тури ва қизишининг хусусиятига боғлиқ ҳолда ҳисоблаб чиқилиши лозим.

Ҳарорат-киришиш чокининг (64) ифода бўйича ҳисоблаб чиқарилган кенглигини, агар чок асбествермикулит қоришма қоришмада хўлланган асбестчилвир еки каолин увода билан тўлдирилса, 30% га ортирилиши лозим (8,а расм).

Бетон ва темирбетон конструкциялардаги ҳарорат-киришиш чоклари камида 20 мм кенгликда қабул қилиш лозим.

Иссиқлик агрегатининг ишчи фазосидаги босим атмосферага оидига тенг бўлмаганда, ҳарорат-киришиш чоки бетон чорқирра гуласини урнатиш учун кенгай-тирмага эга бўлиши керак (8,б расм). Чорқирра гула қоришмасиз қуруқ ҳолатда ўрнатилиши керак. Чорқирра гула билан камроқ қизийдиган урнатиш орлиғидаги чокни енгил деформацияланувчи иссиқлик ихталоғчи материал билан тўлдириш лозим (8,б расм).

Ишчи фазасини зичлаб беркитиш талаб этиладиган ўчоқлардаги ҳарорат-киришиш чокининг ташқи сиртида мослаш-тирилгич кузда тутилиши керак (8в расм).




8-расм. Иссиққа бардошли бетондан қилинган конструкциялардаги ҳарорат чоклари
а - асбест чилвир билан тўлдирилган чок; б - шунга ўхшаш бетон чорқирра гулачали, в - шунга ўхшаш металл мослаштирилгичли; 1 - лойли қоришмада хўлланган асбест чилвир; 2- бетон чорқирра гулача, 3 - мослаштирилгич; 4 - диаметри 6 мм ли пўлат стержен.

5.14. Бетонда киришиш ёриқларнинг уюшган ҳолда иссиқлик агрегатининг ишчи фазоси томонидан ривожланиши учун киришиш чоклари кузда тутилиши керак. Кенглиги 2-3 мм ли ва чуқурлиги кесим баландлигининг 1/10 га тенг, лекин 20 мм дан кам бўлмаган чокларни 60-90 см ора-латиб иккита ўзаро тик бўлган йуналишда жойлаштириш лозим (9,б расм).

5.15 Унсур кесимининг баландлиги бўйича бетоннинг нотекис қизишидан бўладиган зуриқишларни қуйидаги чоралар-ни қўллаб қамайтириши рўхсат этилади мослаштирувчи чокларни бетоннинг кўпроқ қизиган сиқилган соҳасида жой-лаштириб (9,а расм), кенглиги 2-5 мм бўл-

